Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 16 (20.883) 1991 йил 23 январь, чоршанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ЁРДАМЧИ ТАРМОҚ ДАРОМАДЛАРИ

Пастдарғом районидаги Калинин номли жамоа хўжалигининг ёрдамчи тармоқлари муваффақиятли ривожланмоқда. Айниқса мармарга ишлов бериш цехи яхши даромад келтиряпти. Қисқа вақт ичида бу цех ёрдамида хўжалик 140 минг сўм даромад қилди.

— Хом ашёни биз қўшни Нуротадан оляпмиз, — дейди жамоа хўжалигининг раиси А. Сафаров. — Цехда қайта ишланган маҳсулотни асосан Свердловск ва Грузияга юборяпмиз. Бунинг эвазига қурилиш материаллари ва металл қувурлар олмоқдамиз. Яқинда хўжалигимизга Москвадан мутахассислар келишди. Улар чет эл фирмалари билан алоқа ўрнатишда воситачилик қилишни ўз зиммаларига олдилар. Биз бундай шартномаларни имзолашдан манфаатдормиз. Шу туфайли ишлаб чиқаришни кенгайтириб, яна 50 кишини ишга олмоқчимиз.

Бундан ташқари, жамоа хўжалиги район матлубот уюшмаси билан биргаликда томат пастаси ва шарбат тайёрлайдиган цех қурмоқда.

ШИРИНЛИК ТАЙЁРЛАШ УЧУН

Нукусдаги спиртсиз ичимликлар ва пиво заводида мармелад ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ускуналар ўрнатила бошланди. Бу ширинликни тайёрлаш учун корхонада янги цех ишга туширилади.

Лойиҳада кўрсатилишича, бу цех йилига 360 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Лекин бу келажакда цех ишларни авж олдириб, икки сменада ишлай бошлаганидан кейин бўлади. Бироқ шу йилнинг ўзидаёқ 80 тоннага яқин мармелад ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Бу ерда тайёрланган маҳсулотнинг ҳаммаси Қорақалпоғистон дўконларига юборилади.

Янги қувватларни ишга тушириш кўп жиҳатдан заводдаги барча бўлинмаларнинг барқарор ишлаши туфайли мумкин бўлди.

(ЎзТАГ).

Наманган қишлоқ хўжалиги техникуми қошида ташкил этилган деҳқончилик-саноат мажмуини бошқариш республика олий мактабининг филиалида ойлик курслар ишлаб турибди. Бу ерда вилоят хўжаликларининг вакиллари ўз билимларини ошириб қайтмоқдалар.

Суратда: агрономия фани ўқитувчиси Темуржон Жалилов малака ошириш учун келган бригадирлардан Абдураҳмон Ҳайдаров, Ғуломжон Нажмиддинов, Шариф Болтабоев, Ҳабибулло Мамажонов, Абдумажид Саидовлар билан ғўза навларини кўздан кечирмоқда.

П. АКБАРОВ туширган сурат.

ДЕҲҚОНЛАР ЎҚИШМОҚДА

Хўжаобод районининг «Ленинград» жамоа хўжалигидаги иқтисодий ўқув ташкилотчилари амалиётга яқинроқ бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Шу туфайли дастлабки машғулотлар шу хўжаликнинг ижарачиси Шермуҳаммад Даминовнинг чиқишлари билан бошланди.

Бунинг учун айни шу одамни танлашгани бежиз эмас. Баҳорда Ш. Даминов ўз оиласи билан хўжаликдан 27 гектар ерни ижарага олиб, бу жойларга чигит экди. Шартномага кўра ижарачи ҳар гектар ердан 28,5 центнер пахта олиши керак эди. Амалда эса ҳосилдорлик 35 центнерга етди. Оиланинг умумий даромади 70 минг сўмни ташкил қилди.

Иқтисодий ўқув курслари тингловчиларига жамоа хўжалигининг ва район деҳқончилик-саноат уюшмасининг мутахассислари, вилоят олий ўқув юртларининг деҳқончилик соҳаси олимлари сабоқ беришади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЙИЛ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Жомбой дон маҳсулотлари комбинатида ўтган йил якунлари сарҳисоб қилинди. Ушбу якунга кўра, корхонанинг тегирмон цехидаги Фарҳод Довуров бошлиқ бригада йилнинг пешқадами деб топилди.

Мазкур жамоа 1990 йилда мўлжалдаги 26 минг 781 тонна ўрнига 28 минг 640 тонна ун ишлаб чиқариб, йиллик режани 106,8 фоиз уддалади.

Айни кунларда 14 кишини жипслаштирган бу бригада жамоаси февраль ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

Р. ИНОЯТОВ.

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЧА

Ромитан районидаги «Ромитан» давлат хўжалигида уй-жой дастурини бажариш борасида аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ишда қишлоқ меҳнаткашларига «Бухарнрстрой» трестининг райондаги механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари яқиндан ёрдам беришяпти.

Қурувчиларнинг ғайрати билан қисқа муддатда 20 оилага мўлжалланган турар жой бинолари битказилди.

— Кейинги 2-3 йил ичида 80 та оилани янги уй билан таъминладик, — дейди давлат хўжалиги директори Б. Холов. — 350 дан ортиқ оилага эса янги уй-жой қуриш учун ер ажратиб бердик. Ҳуллас, уй қурувчиларга ҳар тарафлама ёрдам бериш чораларини кўряпмиз. Шу боис, давлат хўжалиги марказий қўрғони замонавий шаҳарча тусини олмоқда.

С. БЕШИМОВ.

Мавсум яқин, шаймисиз?

УНУМДОРЛИК ҒАМХЎРЛИККА БОҒЛИҚ

Свердлов райони пахтакорлари ўтган йили машина терими режасини ортиғи билан бажаришди. Йил якунига кўра белгиланганидан деярли 9 миллион сўмдан зиёд даромад олиш кўзда тутиляпти.

Техника шарофатининг моҳиятини тўла тушунган свердловликлар бу йил машина-механизмлар ремонтини айниқса, сидқидил бажаришмоқда. Ишлаб чиқариш корхонаси пахта териш аппаратлари ва ёнилғи насосларини таъмирлашга ихтисослаштирилган.

Бундан икки йил муқаддам Аҳаджон Ғафуров бошчилигидаги насос ремонтчилари тармоқда биринчи бўлиб ижара пудратига ўтишди. Натижада ремонтчиларнинг на фақат маоши, меҳнат унумдорлиги ҳам икки ҳисса ошди.

Иш сифатига шикоятлар йўқолди. Ижарачилар сафига кўп ўтмай машина-мелиоратив отряди механизаторлари, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ходимлари ҳам қўшилишди.

Янги йилдан эса, бутун жамоа ижара уюшмасига айланди. Айни маҳалда рентабеллик даражаси корхона бўйича икки баравардан ошди. Пахта териш аппаратлари ремонти ҳажмини ҳам деярли икки бараварга ошириш имконияти туғиляпти.

Я. Саидов, Н. Назруллаев, З. Обидов сингари насос таъмирловчилар, Д. Камолов, Б. Ҳусенов, Б. Холов, А. Панасюк каби терим аппаратлари усталарининг иш унумдорлиги икки ҳиссага кўпайди.

Корхона директори Ҳ. Ўринов ҳамроҳлигида ҳовлини айланиб, таъмирловчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан қувондик. Бу ерда фин ҳаммоми ишлаяпти. Дам олиш хонасида саломатликни кўрикдан ўтказиш, биллиард, шахматшашка ўйнаш мумкин. Спорт майдончасидаги турли ашёлар улар ихтиёрида. Корхона ишчилари тушлик пайтида арзон нархда овқатланиши учун киши бошига 50 тийиндан ажратиляпти. Бепул транспорт хизмати йўлга қўйилган. Ишчиларнинг шахсий хўжаликларини корхона ўзи етиштирган дағал хашак, ем билан таъмин этяпти. Баҳорга келиб ишчилар янги иссиқхона маҳсулотларидан баҳраманд бўлишади.

Таъмирловчилар бундай ғамхўрликларга амалий ишлар билан жавоб беришмоқда. Афсуски, хўжаликлардаги машина-трактор парклари механизаторлар тўғрисида бундай ғамхўрликни кўрмадик. Ваҳолонки, кейинги бир йилда барча хўжаликлардаги техника парклари ҳаммомлар, дам олиш хоналари қурилган эди.

Биз кўздан кечирган Навоий номли, «Ўзбекистон», «Ленинград» жамоа хўжаликларида устахона эшикларига қулф осилган. Бу ремонтчи-механизатор меҳнатининг қадр-қиммати мазкур хўжалик раҳбарлари томонидан етарли баҳоланмаётганидан далолат.

Вилоятнинг Олот, Вобкент, Қизилтепа районлари хўжаликларида ҳам техника ремонтида сифат ва суръат таъмин этиляпти. Бироқ Навоий ва Навбаҳор районларида ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларининг бепарволиги оқибатида бу иш пайсалга солинмоқда. Чунончи, январь бошларида вилоят бўйича сеялкалар ремонти 55,8 фоиз бажарилган бўлса, Навоий районида бу кўрсаткич 24,4 фоизни, Навбаҳор районида 33,1 фоизни ташкил қилган. Иш шундай давом этаверса, кўклам шошириб қўйиши аниқ.

Н. НАИМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

КРЕМЛДАГИ УЧРАШУВ

СССР Президенти М. С. Горбачев 21 январь куни Кремлда Эстония ССР Олий Кенгашининг Раиси А. Ф. Рюйтель билан учрашди. Батафсил, амалий суҳбатда Болтиқбўйидаги вазият, шунингдек Иттифоқ шартномасини тайёрлашнинг бориши билан боғлиқ масалалар мажмуи кўриб чиқилди. Шу муносабат билан ҳам Эстония республикаси, ҳам марказ вакилларидан иборат ишчи гуруҳини тузиш фойдали қадам бўлур эди, деб таъкидланди.

(ТАСС).

ҚЎШМА ПЛЕНУМ

Урганчда Хоразм вилоят партия комитети билан вилоят назорат-тафтиш комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари вилоят партия ташкилотининг Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи қабул қилган қарорлардан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Р. М. Худойберганова маъруза қилди.

Пленум вилоят партия ташкилотининг «Фуқаролар тотувлиги, инсон фаровонлиги учун» деб аталган ҳаракат дастурини тасдиқлади. Вилоят партия комитети ва назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг мақоми кўриб чиқилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Э. Самандаров Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари этиб тайинлангани ва у вилоятдан ташқарига чиқиб кетгани муносабати билан вилоят партия комитети котиби ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Илгари Хоразм вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Қ. С. Иброҳимов Хоразм вилоят партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — СЪЕЗД АРАФАСИДА

Тошкентда республика касаба уюшмалари федерация кенгашининг мажлиси бўлди. Республика касаба уюшмалари федерация кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов Ўзбекистон касаба уюшмалари XXIV съезди иккинчи босқичини чақириш тўғрисида маъруза қилди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари съездининг иккинчи босқичини 1991 йил 26 мартда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Федерациянинг дастурий ҳужжатлари лойиҳалари маъқулланди.

Шартнома асосида СССР касаба уюшмалари конфедерациясига кириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов нутқ сўзлади.

МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

Далв (январь) ойида жумҳуриятимиз аҳли хонадонларига яна бир жарида — «Мулоқот» кириб боряпти.

Зеро, биз уни интиқлик билан кутаётгандик. Аммо табиийки, янги жарида қандай бўларкин, унинг мулоқоти чиндан ҳам ошкора, очиқчасига ва юзма-юз бўладими, уларда элимизнинг дилидаги гаплар юзага чиқадими, деган ҳақли саволлар бизни безовта қилаётганди. «Мулоқот»нинг илк сони 28 мингдан зиёд нусхада чоп этилди. Муштарийлар хотиржам бўлсинларки, «Мулоқот»нинг ушбу сони айнан уларнинг кўнгилларидагидек бўлиб чиққан.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Ҳайдар Пўлатовнинг «Мафкуравий ҳукмдорлик», Бўрибой Аҳмедовнинг «Ўзбеклар», ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Миллий масала ва ижтимоий адолат», публицист Шароф Убайдуллаевнинг «Парламентдаги «бизнинг одам», иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиевнинг «Ким қандай яшаяпти?» сарлавҳали мақолаларини мароқ билан ўқийсиз, улар сизни чуқур ўйга толдиради, фикрлатади, мулоҳазага чорлайди. Жарида муқовасидаги қора ва қизил ранглар ҳам рамзий маънони англатишини уқиб оласиз.

Машҳур тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг форс тилидан ўгириб, жарида саҳифаларида чоп этилаётган «Зафарнома» асаридан айрим бобларни эса ўзбек тилида илк бор ўқийсиз. Жариданинг рукунлари ҳам биринчи назар солишдаёқ диққатингизни тортади: «Ўзбекни ўзбек қилиб турганлар», «Пахта муаммоси ва муаммоли пахта», «Еттинчи саҳифа меҳмони», «Хориждаги ўзбеклар», «Шарқнинг буюк муҳаддислари», «Мерос» ва ҳоказолар. Шу каби ва доимий рукунлар остида берилган мақола ва суҳбатларда сиз муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Саудия арабистонилик ўзбек Зуҳуриддин Туркистоний, фахрий академигимиз Зайниддин Фахриддинов, ганчкор уста Маҳмуд Усмонов, СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ва бошқалар билан ҳамсуҳбат бўласиз, шунингдек, наср, назм ва санъатга оид асарлар, ҳатто сиёсий ҳангомалар билан танишасиз.

Ҳуллас, жариданинг муштарийлар билан илк мулоқоти унинг ўзига хос ва ўзига мос ўринни топишига ишонч туғдиради.

Бинобарин, янгиланишлар силсиласини бошдан кечираётган чоғимизда «Мулоқот» барча эзгу тилакли ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, уюшмалар ва ташкилотлар, ҳар бир муштарий дилидаги фикр-мулоҳазаларни ошкора баён этиб, уларнинг ўзаро жонли мулоқотига, энг муҳими, халқимиз, унинг турли тоифалари билан жумҳурият Комфирқамизнинг узвий ва муштарак мулоқотига айланишидан умидворимиз.

ТИНЧЛИК ВА УМУМИЙ ТОТУВЛИК ҚАРОР ТОПСИН!

Ҳозир бутун дунё афкор оммасининг диққат-эътибори Форс кўрфазига қаратилган. «Форс кўрфазидаги низони тинч йўл билан ҳал қилиш йўлидаги ҳамма уринишлар муваффақиятсизликка учрагани, Ироқ раҳбарлари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини ва бутун жаҳон жамоатчилигининг Ироқ қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талабини бажаришдан бош тортганлиги Форс кўрфазида уруш чиқишига олиб келди. Кескин халқаро низони тинч йўл билан ҳал этиб бўлмади. Совет ҳукуматининг урушнинг олдини олиш, Қувайтнинг мустақиллигини сиёсий воситалар билан тиклаш учун сарфлаган куч-ғайратлари ҳозирги кунда ижобий натижалар бермади». Бу жумлалар Форс кўрфазидаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг Баёнотидан олинган. Унда ўзбек халқининг, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг дил сўзлари изҳор этилган.

Ҳа, Форс кўрфазида рўй берган воқеалардан Ўзбекистон халқи ҳам ларзага келди. Рўзномамиз муҳарририятига олаётган хатларда муштарийларимиз қон тўкилиши ва ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилишини талаб қилмоқдалар. Можаронинг доирасини чеклаб қўйиш, инсониятнинг бугунги куни ва келажаги учун бу минтақада сиёсий воситалар ёрдамида тинчлик ва умумий тотувликка эришишни таъминлашга даъват хатларнинг мазмуни ва моҳиятини ташкил этаётир.

МЕН УРУШНИ КЎРГАНМАН

Форс кўрфази теварагида юз бериши мумкин бўлган машъум уруш хавфи пайдо бўлганидан буён тинчим йўқолганди. Фалокат юз бермаса эди, деб хавотирда эдим. Чунки мен ҳам уруш деган офатнинг даҳшатларини ўз бошимдан кечирганман.

Минг афсуслар бўлсинки, Ироқда уруш бошланди.

Форс кўрфазидаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг Баёнотида таъкидлаб ўтилганидек: **«Кескин халқаро низони тинч йўл билан ҳал этиб бўлмади. Совет ҳукуматининг урушнинг олдини олиш, Қувайтнинг мустақиллигини сиёсий воситалар билан тиклаш учун сарфлаган куч-ғайратлари ҳозирги кунда ижобий натижалар бермади».**

Уруш, авваламбор, қирғин-барот демакдир. Бу беомон фожиа туфайли қанчадан-қанча инсон зоти ёруғ дунёда яшашдек бебаҳо неъматдан бевақт маҳрумликка юз тутиб, қурбон бўлади. Талайгина гўшалар мотамхонага айланади.

Уруш офати майиб-мажруҳликка сабабчидир. Мана, мен 45 йилдан буён отинг ўчгур уруш туфайли ногиронлик аламини тортаман. Бундайлар, ахир, озми?

Мен ўша машъум муҳораба йилларида юз берган Ленинграддаги фожиаларни ҳамон кўз олдимдан кетказолмайман. Дунёда очлик деган бешафқат балонинг нима эканлигини ўз кўзларим билан кўрганман. Қоқсуякка айланган сўлғин чеҳралар, нажотталаб мўлтираган дардли кўзлар ҳали-ҳануз тушларимга кириб чиқади.

Айни шу кеча-кундузларда Ироқдаги шаҳар ва қишлоқлар бомбардимон қилинмоқда. Эртакларда ва «Минг бир кеча» ҳикоятларида тавсифланган ҳамда тарих саҳифаларида таърифланган машҳур Бағдод шаҳри не аҳволга тушди экан? Унинг бечора аҳолиси не кўргиликларни бошдан кечираётган экан?

Ўз мамлакатимизда юз бераётган тўқнашувлар ҳам озмунча фожиалар келтириб чиқармаётир, дейсизми? Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади, дейишади. Бу билиб айтилган доно гап. Болтиқбўйи жумҳуриятларида, Кавказда ва бошқа ерларда юз бераётган бехосият ғала-ғовурлар ҳам дилларни вайрон, ҳаёлларни паришон қилмоқда. Тегрангда тинчлик барқарор бўлмагач, еган-ичганинг татимас экан. Қани, энди, худо урушқоқларга ва нифоқ солиб орани бузувчиларга инсофу тавфиқ бериб, жаҳонда тинчлик ва тотувлик устивор бўлса. Осойишта яшаш удуми қутлуғ бир дардга айланиб қитъалар оша барча одамларга ўз ҳукмини ўтказса.

Зоҳиджон ОБИДОВ,
шоир, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Улуғ Ватан уруши ногирони.

ТАШВИШДАМИЗ

Форс кўрфазида бошланган уруш ҳаммани бирдек ташвишга солмоқда. Жумладан, биз ҳам Марказий телевидение кўрсатувларини, радиоэшиттиришларини кеча-ю кундуз кузатиб боряпмиз. Мақсадимиз битта: уруш олови тезроқ ўчсин. Мен Улуғ Ватан уруши ветераниман. Уруш офати, унинг барча кулфатларини бошимдан кечирганман.

Форс кўрфазида давом этаётган уруш болажон жумҳуриятимиз аҳолисини жиддий ташвишга солаётгани аниқ. Менг кўп фарзандли оила бошлиғи сифатида у ерда қон тўкилишини қоралайман. Муаммоларнинг тинч йўл билан ва ўзаро келишув асосида бартараф этилиши тарафдориман. Ўйлайманки, менинг фикримга ҳамюртларим, барча тинчликсевар кишилар қўшиладилар.

Олимжон АБДУЛЛАЕВ,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, шахсий пенсионер.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР

Кўп миллатли кучларнинг ҳарбий-ҳаво кучлари бугунгача жанговар топшириқ билан 8 минг мартадан кўпроқ учиб Ироқ ва Қувайтдаги иншоотларни бомбардимон қилди ва ракета зарбаси берди, деб хабар қилди душанба куни Пентагонда бўлиб ўтган брифингда АҚШ мудофаа вазирлиги оператив бошқарувининг бошлиғи генерал-лейтенант Томас Келли. «Авиациянинг бош вазифаси — Ироқ ракета комплексларини яксон қилишдан иборат, — деб таъкидлайди Эй-Би-Си телекомпанияси. — Бироқ осмонни қалин булут қоплаганлиги авиация ҳаракатини қийинлаштирди. Учувчилар тез ҳаракат қилувчи ракета учириш қурилмаларини излаб топиш ва яксон қилишга қодир бўлмадилар. Лекин об-ҳаво доимий иншоотларни бомбардимон қилишга тўсқинлик қилолмади». Об-ҳаво шароитининг яхшиланиши иттифоқчилар авиацияси ҳаракатларининг самарадорлигига тўла баҳо беришга имкон беради, деб ҳисоблашмоқда Пентагонда.

Форс кўрфази теварагидаги уруш атиги бир неча ҳафта давом этади, деб ҳисоблаётган американликлар сони тобора камайиб бормоқда. Си-Би-Эс телекомпанияси билан «Нью-Йорк таймс» газетаси ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига кўра, бундан тўрт кун муқаддам американликларнинг 51 фоизи уруш бир неча ҳафтагина давом этади, деб ҳисоблаган бўлса, ҳозир шу фикрга қўшилувчиларнинг сони 18 фоизга тушиб қолди.

БМТ қарорғоҳида Форс кўрфазида қон тўкилишини тўхтатиш мумкин бўлган ечимни топишга уриниб маслаҳатлашиш давом этмоқда. БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр Хавфсизлик Кенгашининг раиси Багбени Адейто Нзенгейя (Заир), Катар, Қувайт, Ҳиндистон ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг вакиллари билан учрашди. Дипломатларнинг айтишларича, Хавфсизлик Кенгашида Ҳиндистон урушни 48 соат ёки 72 соат тўхтатиб туриш имкониятини ўрганиб, норасмий маслаҳатлашувларни бошлади. Бироқ АҚШ вакиллари Ироқ қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетишни бошламагунча ўт очишни тўхтатиш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмаслигини таъкидладилар.

(ТАСС, 22 январь).

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРАЙЛИК ВА ЯХШИЛАЙЛИК

● СССР ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ 1991 ИИЛДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОМ АШЁСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ССР ИТТИФОҚИ БИЛАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ БИТИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қарорда, жумладан, уқтириладики, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдаги кескинликни шу йилнинг биринчи чорагидаёқ юмшатиш ва кейинги ойларда уни нормаллаштириш учун СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссияси, иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари, Центросоюз, СССР Савдо вазирлиги, СССР Балиқ хўжалиги вазирлиги ва СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бу йил камида 156 миллиард сўмлик (1990 йилда амалда бўлган чакана нархларда), шу жумладан январь-март ойларида 39,5 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини, шунингдек умумиттифоқ истеъмолчиларига 1990 йил режасидан кам бўлмаган миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етказиб берилишини таъминлайдиган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишлари зарур.

СССР Давлат режа комитети, СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети, СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссияси, СССР Савдо вазирлиги иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда маҳсулот, қишлоқ хўжалик хом ашёси, ем-хашак етказиб берувчиларни ва олувчиларни аниқ белгилашлари ҳамда 1991 йил учун хўжалик шартномалари тузилишини таъминлашлари, давлат ресурсларига маҳсулот топшириш муддатлари, хили ва турларини белгилашлари лозим.

Иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари ўлка, вилоят ва район Советларининг ижроия комитетларига, СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясига, иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари, Центросоюз, СССР Савдо вазирлиги, СССР Балиқ хўжалиги вазирлиги ва СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бу йил камида 156 миллиард сўмлик (1990 йилда амалда бўлган чакана нархларда), шу жумладан январь-март ойларида 39,5 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини, шунингдек умумиттифоқ истеъмолчиларига 1990 йил режасидан кам бўлмаган миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етказиб берилишини таъминлайдиган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишлари зарур.

СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети, СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссияси, СССР Савдо вазирлиги иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда маҳсулот, қишлоқ хўжалик хом ашёси, ем-хашак етказиб берувчиларни ва олувчиларни аниқ белгилашлари ҳамда 1991 йил учун хўжалик шартномалари тузилишини таъминлашлари, давлат ресурсларига маҳсулот топшириш муддатлари, хили ва турларини белгилашлари лозим.

Иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари ўлка, вилоят ва район Советларининг ижроия комитетларига, СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясига, СССР Балиқ хўжалиги вазирлигига, СССР Савдо вазирлигига ва Центросоюзга ижара, ер, мулкчилик, солиқ солиш тўғрисидаги қонунларни қўлланиб деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва ташкилотларининг иқтисодий манфаатлари асосида 1991 йилда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни савдо тармоғига етказиб бериш соҳасидаги ташкилотчилик ишини кучайтириш топширилади. Шу билан бирга аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига, макарон маҳсулотларига, сабзавот, ёрма, картошка, ўсимлик ёғи ва маргаринга бўлган эҳтиёжини қондиришни назарда тутиш, гўшт, сут ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашни йўлга қўйиш зарур.

Қарорда чет эллардан 9,5 миллиард сўмликка, шу жумладан йилнинг биринчи чорагида 2,1 миллиард сўмлик озиқ-овқат ва уни ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалик хом ашёси, идиш ва ўраш материаллари ҳамда бошқа материаллар харид қилишни уюштириш кўзда тутилади. Соя шроти, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қанд-шакар, сариёғ ва ўсимлик мойи харид қилиш биринчи галда амалга оширилиши лозим. Маҳсулот экспорт қилувчи саноат корхоналари ва бошқа корхоналарга меҳнат жамоаларини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш учун ўзларининг валюта маблағини ишлатиш тавсия этилди. Шу муносабат билан чет эллардан харид қилинган озиқ-овқат молларининг сақланишини, аниқ мақсад учун ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, бу молларнинг талон-тарож бўлишига, айнишига, яшириб қўйилишига, шунингдек уларни чайқов бозорига чиқаришга йўл қўймаслик чораларини кўриш муҳимлиги таъкидланади.

Иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари ўлка, вилоят ва район Советларининг ижроия комитетларига, СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясига ва идораларига озиқ-овқат корхоналарини, саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари ва балиқ хўжалиги корхоналарини ижарага олиш, хусусийлаштириш ва давлат ихтиёридан чиқариш асосида меҳнат жамоаларининг манфаатларини эътиборга олиб, озиқ-овқат етиштирувчилар ва ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш учун зарур шароитларни яратиб бериш тавсия этилди.

Қарорда шу йилнинг биринчи чорагида деҳқончилик-саноат мажмуининг 1990 йилда ишга туширилмай қолган иншоотлари, 1991 йилнинг биринчи ярмида эса 1989-1990 йилларда чет эллардан келтирилган линияларни, юксак даражада тайёр ҳолдаги қурилаётган ва таъмирланаётган корхоналар фойдаланиш учун топширилишини таъминлаш зарурлиги ҳақида ҳам гап боради.

1991 йилда деҳқончилик-саноат мажмуи учун моддий-техника ресурсларининг энг муҳим турларини етказиб бериш лимитлари марказлаштирилган тарзда ажратилади. Чунончи, қурилиш-монтаж ишларига марказлаштирилган тарзда тақсимланадиган 57824 миллион сўмлик моддий-техника ресурслари ажратиб берилади. Унга мотор ёқилғиси, тракторлар, автомобиллар, ер қазиш механизмлари ва бошқа турдаги техника марказлаштирилган тарзда юборилади. 1991 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш даврида ишларни зарур ҳолларда ўтказишни таъминлаш учун 1 миллион тонна автомобиль бензини ва 1 миллион тонна дизель ёқилғисини миқдоридаги мотор ёқилғисининг эҳтиёт заҳираларини вужудга келтиришга қарор қилинди (улар мамлакат минтақаларига жойлаштирилади). Мотор ёқилғиси заҳираси СССР ҳукуматининг қарорлари билангина ишлатилиши мумкин.

Иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматларига республикаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотини хўжаликларнинг ўзида қайта ишлайдиган чоғроқ корхоналарни ривожлантиришнинг мукаммал дастурларини ишлаб чиқиб, 1991 йилнинг биринчи чорагида СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясига тақдим этиш таклиф қилинди. Мазкур дастурларга биноан енгил металл конструкциялардан шу мақсадлар учун зарур асбоб-ускуна ва бинолар ишлаб чиқариш ҳажмлари белгиланади ва уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитетига, СССР вазирликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматларига, СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясига деҳқончилик-саноат мажмуининг машинасозлик корхоналари эҳтиёжлари учун ўтган йили таркиб топган алоқаларни ҳамда материал, бутлаш буюмлари ва тайёрламалар етказиб бериш ҳажмларини сақлаб қолишни таъминлаш топширилади.

Қарорда иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматларига СССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети, мудофаа, машинасозлик, ёқилғи-энергетика мажмуилари вазирликлари билан биргаликда деҳқончилик-саноат мажмуини техникавий асбоб-ускуналар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, идиш ва идиш-ўраш материаллари билан барқарор таъминлаш учун сервиз хизмати корхоналари ва воситачи ташкилотларнинг кенг тармоғини ташкил этиш, деҳқон хўжаликларига мадад бериш, қишлоқни ижтимоий ривожлантириш юзасидан мукаммал дастурларни ишлаб чиқиб, 1991-1995 йилларда амалга ошириш тавсия қилинди.

Центросоюз билан биргаликда қишлоқда якка тартибда уй-жой қуришни устун равишда ривожлантириш, кичик қишлоқларни тиклаш, бу ишларга зарур бинокорлик материаллари, санитария-техника буюмлари, мустақил иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти системалари учун керакли асбоб-ускуналар етказиб бериш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш таклиф қилинади.

Республикаларнинг ҳукуматларига СССР Савдо вазирлиги ва Центросоюз билан биргаликда саноат ва озиқ-овқат молларининг бозор фондларини тақсимлашни тартибга солиш ҳамда шаҳар ва қишлоқда аҳоли жон бошига мол сотиш даражасини изчиллик билан яқинлаштиришни таъминлаш тавсия қилинди.

СССР Темир йўллар вазирлиги, Денгиз флоти вазирлиги, Фуқаро авиацияси вазирлигига, иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари ўлка, вилоят ва район Советларининг ижроия комитетларига деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва ташкилотларининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш ҳамда етказиб бериш тўғрисидаги талабномаларни тўлатўкис қондириш, ортиш-тушириш ишлари ва ташиш вақтида бу маҳсулотлар сақланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш топширилди. СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига ҳамда «Газпром» давлат концернига иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари мақаллий Советларининг ижроия комитетлари билан биргаликда деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва ташкилотларини энергия билан барқарор таъминлашни йўлга қўйиш юзасидан узил-кесил чораларни кўриш таклиф қилинди. Колхозлар, совхозлар, қишлоқ ширкатлари, деҳқон (фермер) хўжаликларининг, саноат озиқ-овқат тармоқлари корхоналарининг, тайёрлаш ташкилотлари ҳамда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси сақланадиган базаларнинг ҳуқуқлари ва ҳаққоний манфаатларини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат ресурсларининг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида электр энергия ва газни режадан ташқари ва келишмай ўчириб қўйиш натижасида деҳқончилик-саноат корхоналари кўрган зарар учун энергия таъминоти корхоналарининг масъулияти оширилади.

Шаҳарлар ва саноат марказлари аҳолисининг картошкага ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашни яхшилаш учун иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари ўлка, вилоят ва район Советларининг ижроия комитетларига 1991 йилнинг биринчи чораги мобайнида корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртларининг тегишли меҳнат жамоалари ўзаро манфаатли шартлар билан қишлоқ хўжалик ишларида қатнашиши ҳақида колхоз ва совхозлар билан шартномалар тузиши соҳасидаги ишни уюштириш тавсия этилди.

Давлат корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш шароитига асосланиб, ишчи ва хизматчиларга ёки уларнинг ота-оналарига тегишли томорқа ва боғ участкаларида картошка ва сабзавот экиш, ем-хашак тайёрлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш муносабати билан мавсумий ишларни ўтказиш учун уларга маошини сақламай, икки-уч ҳафталик таътил беришларига ижозат этилди.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

● Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси Россиянинг Чебоксари ускуналар заводи билан ўзаро фойдали ҳамкорлик шартномасини имзолади. Унга кўра, чебоксариликлар корхонани замонавий дастгоҳлар билан таъминлайдиган, эвазига эса сифатли газламалар оладиган бўлишди.

Тўғри, бундай алоқа ўтган йили ҳам йўлга қўйилганди. Бирлашманинг пишитув-тўқув фабрикаси ускуналар заводидан олинган бир неча янги дастгоҳлар билан қайта жиҳозланганди. Яқинда корхонага Чебоксари шаҳридан яна 12 та «СТБ-2-220» маркали серунум дастгоҳлар келтирилди. Куни кеча эса техник синовдан ўтказилган бу ускуналар ишга туширилди.

— Ҳамкорликни давом эттирамиз, — дейди фабрика директори Ҳ. Мирзаев. — Зеро, ишлаб чиқариш замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаб олинса, меҳнат унумдорлиги яхшиланади, кўпроқ сифатли маҳсулот тайёрлашга эришилади.

А. ҚИРҒИЗОВ.

СИФАТ—МЕЗОН

● — Маҳсулотларимиз элга манзур бўлаётганлигидан хурсандман, — дейди Андижон бадиий буюмлар фабрикаси бригада бошлиғи О. Абдужабборова. — Эндиликда истеъмолчилар ишончини оқлаш учун тайёрлаётган буюмларимиз сифатига, бежирим бўлишига алоҳида эътиборни қаратяпмиз.

Дарҳақиқат, Одинахонинг гапларида жон бор. Ҳозир фабриканинг ҳар бир цехида, бўлимида шу эзгу йўлда ҳаракат қилиняпти. Айниқса, гул босиш бўлимидан О. Абдужабборова, газмол бўлимидан Х. Воҳидова, Х. Азимова етакчилик қилаётган бригадалар аъзолари сифатли ва хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишаётир. Улар ойлик план топшириқларини ҳам 120—130 фоиз уддалашмоқда.

Айни кунларда фабриканинг кўпгина цех ва бўлимлари жамоалари февраль ойи ҳисобига меҳнат қила бошладилар. Улар ишда сифат мезон бўлиб қолмоқда.

Ш. КЕЛДИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

• *Президент номига келган мактубларни ўқиб...*

Ўзбекистон ССР Президенти номига ҳар куни келаётган кўплаб хатларнинг анчагина қисми экологияга, республикада табиий муҳитнинг ҳолати ва уни сақлашга тааллуқлидир. Орол ва Оролбўйи бу хатларда алоҳида ўрин тутади. Ушбу регион бу ерда яшаётган ва меҳнат қилаётган кишилар бошига тушган экология фалокати Ўзбекистонда ва ундан ташқарида кўп кишиларни ташвишга солмоқда... Президент аппаратидан 50 га яқин ана шундай хат Орол ва Оролбўйини қутқариш республика комитетига топширилди. ЎзТАГ мухбири А. Баранов комитет ранси, Қорақалпоғистон халқ депутати П. ШЕРМУҲАМЕДОВдан ушбу хатларни шарҳлаб беришни сўради.

— Шундай қилиб, Орол фалокати муносабати билан одамлар Президентга нималар ҳақида ёзишяпти?

— Улар кўп нарсалар ҳақида ёзишяпти, лекин Орол денгизи ва Оролбўйидаги экология фалокати билан боғлиқ муаммолар барча муаллифларни ташвишга солаётганлиги ҳисобга олинса, уларнинг мавзуси бир. Бу муаммолларни, уларни ҳал қилиш йўлларини ҳар ким ўзича тасаввур этмоқда. Баъзан бир-бирига зид ва бир-бирини мутлақо рад этадиган, баъзан ҳаддан ташқари ишбилармонлик тарзидаги, баъзан эса илмий хаёлот даражасидаги турли-туман нуқтаи назарлар ва таклифлар айтилмоқда...

Масалан, Наманган вилоятидаги Куйбишев номли қишлоқ Советидан колхозчи Муҳаммаджон Боқибоев Орол теварагидан ташвишли хабарлар келаётганидан хавотирликка тушиб, атайлаб Орол денгизига борганлигини, Борса-келмас оролида бўлганлигини ёзади. У хатто матбуотда ёзилишича, Оролни қутқариб қолиши лозим бўлган Обь дарёсини кўриш учун Сибирга ҳам борган...

— Қандай хулоса чиқарган?

— Юзаки қараганда, кутилмаган хулоса чиқаради: Оролни сақлаб қолиш учун сувни ўз юртимизда ислашимиз керак. Муаллифнинг фикрича, Сибирь дарёлари сувини кутгандан кўра ўзимиздаги дарёлар сувидан фойдаланиш ишончлироқ. У мавжуд сув ресурсларидан тағин ҳам оқилона ва авайлаб фойдаланиш учун ҳамма имкониятлар бор, сувнинг бир қисмини денгизни тўлдириш учун ажратиш мумкин, деб ҳисоблайди. Орол теварагида ихота дарахтзорлари барпо этишни энг самарали чора деб ҳисоблайди. Дарахтзорлар фалокат юз берган районнинг саҳрога айланишини тўхтатиб, экологияни вазиятини соғломлаштиради.

Беруний районидан Юсупбой Сотипов унинг фикрига тўла қўшилади. У ҳам Амударёнинг қуйи оқимида фаол деҳқончилик ва хўжалик юритиш, сувдан оқилона фойдаланиш — Оролни қутқариш йўли деб ҳисоблайди. Фақат у дарахтзорлар барпо этиш ўрнига шоликорликни жадал ривожлантиришни таклиф қилади. Тўрақўрғон районидан Саримсоқ Собитов, бир қанча мактубларнинг муаллифлари ҳам шунга ўхшаш таклифларни айтганлар.

ОРОЛ, СЕНГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАМИЗ?

— Муқобил вариантлар борми?

— Улар ҳам етарли. Масалан, Элликқалъа районидан Қ. Қурвонниёзов Оролбўйида мутлақо шоли етиштирмаслик керак, деб ҳисоблайди ва сув омборларидаги тўпланган сувларни Орол денгизига оширишни, Туямўйин сув омборини умуман беркитиб қўйишни таклиф қилади. Унинг фикрича, Туямўйин сув омбори экология вазиятини чигаллаштириб, ичимлик сув сифатини бузади, холос.

Андижон трикотаж фабрикасининг ишчиси М. Аҳмадалиев ва андижонлик пенсионер, инженер-ирригатор Т. Шерматов ўз сув ресурсларимиз ҳисобига Оролни қутқариб қололмаслигимизга ишонишади. Улар Каспий денгизидан регионга сув келтиришни, бунинг учун икки денгиз ўртасида канал очишни, шунингдек сув балансини яхшилаш учун Эмба, Урал ва минтақа атрофидаги бошқа дарёлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. И. Отажонов эса уларнинг фикрига умуман қўшилиб, янги канал очиш керак эмас, балки асрлар давомида одамларга хизмат қилиб келган эски каналлардан фойдаланиш ёки насослар системаси ёрдамида Каспий денгизи сувини минтақага кўтариб бериш лозим, деб ҳисоблайди.

Москвадан Г. П. Корюхин бошқаларга ўхшайдиган лойиҳани, тўғрироғи Оролни сақлаб қолиш учун нима қилиш зарурлиги ҳақида илмий асарни юборган. Афсуски, муаллиф ўз касбини ёзмаган, аммо масаланинг баён қилинишига қараганда ирригация ёки сув хўжалигига алоқадор ишлар билан шуғулланган. Машинкада ёзилган 12 варақда ўз таклифларини тегишли ҳисобкитоблар билан техник жиҳатдан батафсил асослаб берган. Биз олимларимиздан бу муаммони чуқур ўрганишни илтимос қилдик. Аммо ана шу жиҳатларга тўхталмай лойиҳанинг асосий йўналишлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, унда эътибор Орол денгизи мансабида анъанавий балиқчиликни жадал ривожлантириш зарурлигига қаратилади ва қўшимча ташқи сув манбаларини жалб этиш масаласи қўйилади. Муаллиф сувни Каспий ёки Сибирдан келтиришни эмас, Помирдаги Сарез кўлида тўпланган сувни Оролга оқизишни таклиф қилади.

Баъзан хатларда мутлақо кутилмаган таклифлар баён қилинган. Масалан, муаллифлардан бири Орол ва Оролбўйини сақлаб қолиш учун жиддий равишда... бошқа сайёраларда яшовчиларни жалб этишни таклиф қилади. Кимдир жафокаш минтақани қутқариш учун ялпи ибодат қилишни тавсия этади...

— Жуда қизиқ. Ўзингиз бу таклифларга қандай қарайсиз?

— Бу ҳар бир кишининг ўз шахсий иши деб ҳисоблайман. Мен ўзим эса аввало инсон омилига, самовий кучларга эмас, заминимиздаги имкониятларга ишонаман. Шу жиҳатдан қараганда Қорақўл районидаги «Средазгипроводхлопок» ходими Болта Икромовнинг хатида баён қилинган таклиф менга кўпроқ ёқади. У мамлакатимиздан ёки чет элдан сувни чучуклаштирадиган қурилмаларни кўпроқ сотиб олиб, Орол атрофида яшовчи аҳолини дурустроқ ичимлик сув билан таъминлашни таклиф қилади... Ёки бўлмаса менга минтақадаги республикалар ҳукуматлари даражасида 15 сентябрдан 1 мартгача Ўрта Осиёда ҳамма сувни Орол денгизига оқизиш, Оролбўйида иш ҳақи коэффициентини 35-40 фоиз атрофида ошириш, бу ерда пенсия ёшини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар кўпроқ маъқул тушмоқда. Мен жамоатчиликнинг «Орол» комитети раҳбари сифатида ҳам, Қорақалпоғистон халқ депутати сифатида ҳам бундай тавсияларни қатъий қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Умуман мазкур масала юзасидан Президент номига келган хатларнинг мазмунини умумлаштириб бу муаммога одамлар лоқайдлик билан қарамаётганликларини, Орол муаммоси уларни ташвишга солаётганлигини, одамларнинг муаммони ҳал этиш мумкинлиги ва зарурлигига ишончини таъкидламоқчиман. Шуни ҳам айтиш керакки, одамлар Орол денгизининг тақдири тўғрисидагина эмас, кўпроқ қисмати шу ерда яшаш ва ишлаш бўлган турли миллатга мансуб миллионлаб кишиларнинг тақдири, саломатлиги ва фаровонлиги тўғрисида жон куйдиришмоқда.

Орол ва Оролбўйини фақат Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон, фақат Қозоғистон ёки Туркманистон қутқариб ололмайди. Бу ишни биргалашиб амалга ошириш керак. Хатларда билдирилган фикрлардан келиб чиқадиган хулосалардан бири ана шундай. Кўпгина муаллифлар шу жиҳатдан орзу-умидларини янги Иттифоқ шартномаси билан боғламоқдалар. Бу шартнома республикалар ва мамлакат халқлари ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ва умумий манфаатларни тўла ҳисобга олиш тагига ижодий ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини қўяди.

• *Ф. Х. Йўлдошбоева таваллудининг 80 йиллигига*

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ котиби, жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасининг 30-йиллардаги саркотиби, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни доценти Фотима Хўжамбердиевна Йўлдошбоева ҳаёт бўлганида ҳозир 80 ёшга тўлган бўларди.

ҚОБИЛИЯТЛИ ТАШКИЛОТЧИ ВА ФИДОКОР МУАЛЛИМА

Ф. Йўлдошбоева 1911 йили Фарғона вилоятининг Янгичек қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топди. Унинг онаси — Нуринисо ая ўқитувчи сифатида эскилик сарқитларига қарши курашди, янги давр кишисини тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди. Отаси — Хўжамберди ака коммунист, собиқ партизан, шўро ва касаба уюшмаси ташкилотларида муваффақиятли меҳнат қилди. Ана шу оила тарбиясини олган Фотима ёшликдан янгилик тарафдори, илмга интилувчан бўлиб ўсди.

1924 йилда у бошланғич мактабни тугатганидан сўнг Фарғонадаги 1-ўрта мактабда таҳсил кўрди. Бу мактабнинг асосчиси ва биринчи мудири — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Т. Н. Қориниёзий, адабиёт ва мусиқа муаллими эса — шоир, драматург ва композитор Ҳ. Ҳ. Ниёзий эдилар.

Ф. Йўлдошбоева 1925 йилда комсомол сафига ўтди. Ўша йили Фарғонадаги ўқитувчилар техникумига кирди. Бу билимгоҳ бошланғич ва ўрта мактаблар учун муаллимлар тайёрлайдиган биринчи ўқув юрти эди. Фотима опа бу техникумни битирганидан кейин шу ерда ўқитувчилик қила бошлайди. 1928 йилда у Ўққон комсомоли вилоят қўмитаси ҳайъатига сайланади. Шу даврдан бошлаб опанинг жамоатчилик фаолияти кучаяди. 1930 йилда Фотима Йўлдошбоева Коммунистик партия сафига ўтди. Қува, Ўққон, Марғилонда партия ходими сифатида катта амалий иш олиб борди. У Фарғона райони комсомол қўмитасининг саркотиби, Тожикистон ССР Қўрғонтепа шаҳридаги шўро-партия мактабининг мудири. Оққўрғон ноҳиясида давлат хўжалиги директори сифатида ўз вазифаларини сидқидилдан бажарди, партия ва халқ ишончини оқлашга ҳаракат қилди.

1936 йилда Фарғона ўқитувчилар олий билимгоҳининг тарих бўлимини тугатгач, у шу ерда муаллима бўлиб қолди. Кейинги йили Фарғона вилояти комсомол қўмитасининг саркотиби ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг депутати қилиб сайланди. 1938 йилда Ўзбекистон Компартиясининг VIII съездида Фотима Йўлдошбоева Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг аъзоси этиб сайланди. Орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг саркотиблигига кўтарилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армияси немис-фашист газандаларига қарши ҳаёт-мамот жанги олиб борди. 1942 йил февралида Ф. Йўлдошбоева Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятлари меҳнаткашлари ҳозирлаган совға-саломни Жанубий-Ғарбий фронтдаги жангчиларга етказиш учун партия-ҳукумат делегациясига бошчилик қилди. Эшелонда мева-чева, озиқ-овқат ва кийим-кечак ортилган 85 вагон бор эди. Ўзбек халқининг ўз ўғилларига йўллаган Хатида қуйидаги сатрлар битилганди: «Ўзбек халқининг ўғлони! Эсингда бўлсин! Гитлер нафақат Европа халқлари, айниқса, славян халқларининг душмани бўлиб қолмай, балки у барча Шарқ халқларининг ҳам ашаддий душманидир...» Мазкур даъваткор тарихий Хат муаллифлари қаторида Фотима Йўлдошбоеванинг ҳам номи бор эди. Делегация аъзолари фронт сафарида биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ва ўзбеклардан чиққан биринчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қўчқор Турдиев билан учрашдилар.

Оғир уруш йиллари Фотима опа Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг ташвиқот ва тарғибот бўйича котиби лавозимида хизмат қилар экан, одамлар билан ишлай олиш қобилиятини намойиш қилди. Зеро, Фотима Йўлдошбоева моҳир ва қобилиятли ташкилотчи, самимий ва ғамхўр дўст, яхшилик ва эзгулик истовчи жонкуяр инсон эди. Шу билан бирга у қатиқ интизом ва тартибга риоя қилувчи талабчан раҳбар бўлганди. Айниқса, Фарҳод нурхонаси, Жанубий Тошкент канали, Бекобод металлургия заводи қурилишлари Фотима опа учун жуда катта ҳаёт мактаби бўлди. Худди шу йилларда у сидқидилдан қилган хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат Белгиси орденлари, медал ва ёрлиқлар билан тақдирланди.

Урушдан кейин Фотима опа В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни аспирантурасини тамомлади ва 1954 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, доцентлик унвонини олди, жумҳуриятимизда кўзга кўринган тарихчи-шарқшунос олима бўлиб етишди. У Ўзбекистонда шўролар ҳокимиятининг барпо бўлиши, Шарқ хотин-қизларининг ҳуррликка чиқиши, ўлкамиз аҳолисини саводхон қилиш ва беш йиллик қурилишлари даврига оид талайгина мақола ва рисолалар яратди. Олима хорижий Шарқ мамлакатлари тарихига доир мазмунли монографияларнинг ҳам муаллифидир. Бу асарлар XIX асрнинг 70-80 йилларида инглиз империалистларининг бизга қўшни мамлакатлардаги мустамлакачилик сиёсатини акс эттирган. Ф. Йўлдошбоева ўзининг номзодлик диссертациясида ўтган асрнинг иккинчи ярмида Россия билан Афғонистон ўртасидаги савдо, иқтисодий, сиёсий ва дипломатик алоқаларни баён этди.

Фотима опа 1944 йилда Тошкент давлат дорилфунунида Шарқ куллиётининг очилишидан бошлаб то умрининг охиригача шарқ ва тарих куллиётларида талабаларга Осиё ва Африка мамлакатлари тарихидан дарс берди. Меҳрибон устоз ва муаллима дорилфунун илмий кенгаши ва партия ташкилоти ишида фаол қатнашиб, ҳар бир вазифани принципиаллик ва жонбозлик билан адо этдилар, ёшларимизга ибрат бўлдилар. 1961 йилдан то 1964 йилгача Тошкент чет тиллари олий билимгоҳида ректорлик қилиб, сўнг, яна илмий ва муаллимлик фаолиятини Тошкент дорилфунунида давом эттирдилар.

Фотима Йўлдошбоева ўзига хос катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бу оддий ўзбек қизининг тақдир йўли эди. Бу йўлда у ёлғиз эмасди. Ўзи сингари юзлаб, минглаб оловқалб дугоналари, устозлари бор эди. Фотима опанинг 1927 йилда чоп этилган «Ҳаётим лавҳалари» деб номланган эсдаликлар китобида оддий ўзбек аёлининг жумҳуриятимизда кўзга кўринган жамоат арбоби ва тарихчи олима даражасигача босиб ўтган мураккаб, аммо саодатли йўли ҳаққоний, ҳаяжонли тасвирланган. Олима муносиб шогирдлар тайёрлашга алоҳида эътибор берарди. Зотан, боғбондан қоладиган улуғ мерос унинг бехазон боғларидир.

1981 йили Фотима Йўлдошбоева совет фани тараққиётига қўшган ҳиссаси ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Халқимизнинг садоқатли қизи, принципиал коммунист, талантли муаллима ва тадқиқотчи, ажойиб ва меҳрибон инсон — Фотима Хўжамбердиевна Йўлдошбоева ҳамиша элимиз дилидадир. Куни-кеча Тошкент давлат дорилфунуни жамоаси ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари Ф. Х. Йўлдошбоева таваллудининг 80 йиллигини нишонладилар. Унинг фидокор педагог, сергайрат ташкилотчи, меҳр-мурувватли инсон сифатидаги фазилатларини эсга олдилар. Зеро, опанинг катта ҳаёт йўли, 45 йиллик самарали меҳнат фаолияти барчамиз, айниқса, ёш авлод учун намунадир.

Т. ГИЕСОВ,
Тошкент давлат дорилфунуни профессори, тарих фанлари доктори.

МЕҲНАТ ЖАМОАСИНИНГ ҚАРОРИ

РИГА, 19 январь (ТАСС). Рига электр лампа заводи жамоасининг йиғилиши СССР Президенти М. С. Горбачевга ҳамда СССР электр техника саноати ва асбобсозлик вазири О. Г. Анфимовга телеграмма йўллади. Телеграммада бундай дейилади:

1. Умумлатвия ижтимоий нажот қўмитасининг ҳокимияти қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, аҳоли барча табақаларининг манфаатларини ҳимоя қиладиган республикадаги ягона ҳокимият деб эътироф этилсин.

2. Латвия республикасининг ҳукумати истеъфо бериши ва парламентни халққа зид парламент сифатида тарқатиб юборилиши талаб этилсин.

3. СССР Президенти ўртоқ М. С. Горбачевдан ва СССР Олий Кенгашининг Раёсатидан Болтиқбўйи республикаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид СССР Қонунлари ва Конституцияси бажарилишини таъминлаш талаб этилсин.

4. Рига электр лампа заводининг жамоаси РСФСР Олий Кенгашининг Раиси Б. Н. Ельциннинг фаолиятини Болтиқбўйи республикаларидаги ғоят қалтис вазиятни янада авж олдиришга кўмаклашувчи айримачилик фаолияти деб якдиллик билан қоралайди.

5. СССР Электр техника саноати ва асбобсозлик вазирлигига ҳамда Умумлатвия ижтимоий нажот қўмитасига мурожаат қилиб, Латвия республикаси Вазирлар Кенгашининг Иттифоқ аҳамиятидаги давлат корхоналарини республиканинг ўзлаштириб олиши тўғрисидаги 1991 йил 12 январдаги 11-ва 12-сон қарорларини бекор қилиш талаб этилсин.

6. Завод маъмуриятига Латвия республикаси Вазирлар Кенгашининг 11- ва 12-сон қарорларини бажармаслик ҳамда завод раҳбариятига ўз зиммасидаги вазифаларни бажариш мажбуриятиюклатилсин.

7. СССРдаги барча меҳнат коллективларига Болтиқбўйида инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид барча ишларимизни қўллаб-қувватлаш тўғрисида мурожаат қилинсин.

Йиғилишнинг топшириғига биноан — «Светотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ю. Н. Матусевич.

Иш ташлаш қўмитасининг раиси С. Д. Рошанец.

ЧОРАК АСР БИР КАСБДА

Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Фақат уни чин дилдан эъзозласагина киши ўз мақсадига етади, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлади. Ҳамидулла Нўъмонов ҳам ўз касбига меҳр қўйганлардан. У мана 25 йилдирки, Намангандаги «Шарқ» пойабзал ишл

МУНАҚҚИД МИНБАРИ

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ҚОНЛИ-ҚОНСИЗ ФОЖИАЛАР

«КАФАНСИЗ КЎМИЛГАНЛАР»НИ ЎҚИГАНДА...

Ҳаётимизда шундай қарама-қаршиликлар, зиддиятлар борки, уларнинг моҳиятини оддий мантиқ билан изоҳлаб, тушунтириш асло мумкин эмас: «Тавба, инсон табиати шу қадар ажойибки, камерага кириб, унда ўтирган бир-икки маҳбусга кўзим тушиши билан қамоқ азобини бир дам унутиб, кўнглимда кутилмаган қандайдир равшанлик пайдо бўлди. Бу ёлғизхонадан чиқиб, одамлар билан учрашганимданми ёки қоронғу, тор хонадан кенгроқ хонага ўтганимданми, билмадим...».

Бу сўзлар Шукруллога тегишли бўлиб, улар ҳозирги таниқли шоир, драматург, жанговар публицистнинг эмас, балки бундан қарийб қирқ йил олдин бадиий ижод йўлига қадам ташлаб, ҳали ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб улгурмасданоқ миллатчи, халқ душмани сифатида қамалган қаламкашнинг аҳволини изоҳлайди. Хўш, шундай экан, нега у бир лаҳза бўлса-да нимадандир севиниб, нималардандир овунишни хоҳлабди? Бу ҳаётнинг сунъий оқими эмасми?

Масалани шу жиҳатдан ҳаққоний ёритиш, муаммони тўла ечиш қийин. Чунки инсон ҳар қандай шароитда ҳам инсонлигини эслаб туришга маҳкум этилган, ҳатто жони узилаётган ёки ҳатто боши кетаётган пайтда ҳам жилмайиб, кўнглини хушлашга куч топади, аммо бу жилмайиш, бу кулиш дахшатли фожианинг яшаш умиди билан аралаш-қуралаш бўлиб кетганини кўрсатади. Яна қандай аралаш-қуралаш денг! Гоҳида у ҳалокатга олиб келса, гоҳида қонли фожиадан қандай қилиб бўлса-да қутилишга чорлайди.

Бундай зиддият моҳиятини англаш учун ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёнига бир назар ташлайлик: мана, бу жараённинг бошланганига беш йилдан ошиб кетяпти, лекин у ижтимоий-маънавий жабҳада анча-мунча ижобий ўзгаришларни таъминлаганига қарамасдан, иқтисодий танглик, «ўпирилиш»ларни бартараф этолмаяпти, аҳвол қийинлашса, қийинлашяпти-ю, бироқ асло енгиллашмаяпти. Шунинг учун анча одамлар қайта қуришдан тўйдик, ошкоралик ҳам тартибсизликдан бошқа нарса эмас, демократиядан ҳам ҳеч қандай наф унмаяпти, ўша турғунлик даври яхши экан, энди янгиланиш, покланишни ҳам тўхтатиб турайлик-да, қорин ғамини ейлик, аввал иқтисодни тўғрилайлик, кейин сиёсатга ўтармиз, деб бонг урмоқдаларки, буни тушуниш мумкин. Дарҳақиқат, оч қоринга ашула ёқмайди-да. Лекин бизни кимлар яратиб, кимлар ижро этган қандай «ашула»лар шундай аҳволга тушириб қўйди.

Афсуски, бу ҳақда бош қотиришга, чигалнинг учини топишга одатланмаганмиз. Негаки, боғини суриштирмасдан узумини ейлик, тоққа чиқмасдан дўланага, жонни қийнамасдан жононага етайлик, деб орзу қиламиз, бироқ орзу қанчалик улуғвор бўлмасин, барибир унинг рўёбга чиқиши учун оғир, машақатли меҳнат қилиб, кураш олиб бориш зарурлигини ҳадеганда уқавермаймиз. Аксинча, олмалар ўзи пишиб, оғзимизга тушиб турса, жуда ҳурсанд бўламиз, кимлар олмани етиштириб, кимлар оғзимизга солиб қўйганини билишга негадир кўпинча қизиқмаймиз. Ҳатто гоҳида билибми ёки билмасдан, сезибми ёҳуд сезмасдан ўзимизга ўзимиз чоҳ қазиб, ҳалокатга юз тутамиз. Ахир, дарахтга чиқиб, ўзи ўтирган шохни ўзи арралаётган афанди ҳақидаги латифанинг тўқилиши бежиз эмас-ку! Шунга кўра бир вақтлари Абдулла Орипов «Сув» деган шеър ёзиб, унда «жуда ажойибдир инсон удуми, у сувни жуда ҳам, жуда ҳам суяр... бирор жойда ниҳол кўрдими, албатта тагига сув қуяр... Хўш, ундан кейин-чи... бекор қолганида баъзида секин бир-бирин тагига сув қуяр» деб фарёд қиладики, бунинг ҳаётий асоси бор: ахир, бир-биримизнинг тагимизга сув қуярканмиз, пировардида бу нуқул нохушликлар, фақат бахтсизликлар олиб келишини, афсуски, тезда тушуниб етмаймизки, бунга бир далил келтирмоқчиман.

Гап республика Ёзувчилари уюшмаси раёсати мажлисида қабул қилиниши лозим бўлган қарорнинг хомаки нусхаси ҳақида кетяпти. Тасодифан қўлимга тушган бу «ҳужжат»да ёзувчиларимизнинг IX қурултойи (1985 йил, октябрь) номига эллик ёзувчи имзолаган мактуб олингани, қурултойда шу мактуб ўқиб берилиши талаб қилингани, аммо раҳбарият бу талабни бажармагани қайд этилади. Хўш, нима учун шундай қилинибди?

«Ҳужжат»га қараганда, мактуб «қўпорувчилик» руҳида ёзилган бўлиб, Компартиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсатини бузиб талқин этади, ўзбек совет адабиётининг ютуқларига, хусусан баъзи казо-казоларга «ҳужум» қилиб, ўз асарларида сиёсий нуқсонларга йўл қўйган Шукрулло, Бошбеков каби ижодкорларни асоссиз ҳимоя қилади, шунинг учун мактуб муаллифларини қаттиқ қоралаш керак, лекин уларнинг ёшлиги, тажрибасизлигини ҳисобга олиб, бу гал фақат қатъий огоҳлантириш билан чекланилсин...

Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги раҳбарияти шундай қарорни қабул қилган ёки қилмаганини айтолмайман, бироқ унинг «қатъий огоҳлантириши» қандай «мевалар» берганини жуда яхши биламан.

Гап шундаки, 1985-1988 йиллар мобайнида Ботир Норбоев, Усмон Азимов, Хуршид Даврон, Муҳаммад Солиҳ, Рауф Парфи каби «айбдорлар»нинг нашрга тайёрланган, ҳатто босилиб чиқиш арафасида турган китоблари норасмий тарзда тақиқланди, рўзномалар, ойномаларда уларнинг шеърлари, мақолаларини чоп этиш ман қилинди, уларнинг ўзларигина эмас, балки уларга ҳайриҳоҳ бўлган Шукрулло, Бошбеков каби ижодкорларнинг номларини фақат салбий маънода айтишга «рухсат» берилди, холос...

Фақат бадиий ижод, ёзувчилар фаолиятигагина эмас, балки ижтимоий, маънавий-маданий, иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига қарийб етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳар хил шакл, кўриниш, миқёсларда кенг тарқалиб чуқур илдиз отган бундай таъқибу тазйиқлар, манъ қилишлардан, мана, олти йилдан буён давом этаётган инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёнида аста-секинлик билан бўлса-да қутулиб бормоқдамиз. Лекин инсон табиати, хулқ-атвори жуда ғалати: кеча бир иллатни қоралаб, рад этсак, бугун яшин тезлигида унинг бартараф этилишини хоҳлаймиз, хоҳишнинг эса бирданига кўз очиб юмгунча рўёбга чиқмаслигини билсак-да, бунга кўникмаймиз.

Диққат қилинг-а, партия тубдан янгиланиш, покланиш сиёсатини эълон қилганига энди олти йил, ўз яккаҳокимлигидан расмий равишда воз кечганига икки йил бўлаётган пайтда беш-олти йил эмас, ўн, йигирма, ўттиз... етмиш йиллар давомида жамиятимизда илдиз отиб, кенг миқёсда равнақ топган қатағонлик, турғунлик, маъмуриятчилик, буйруқбозлик тузуми бирданига бартараф қилиниши асло мумкин эмас. Аммо ижобий ўзгаришлар рўй бермаяптими? Юқорида биз қайд этган таъқибу тазйиқлар, ман қилишлар ҳамон ҳукмронлик қиляптими?

Йўқ, бундай деб бўлмайди: хайриятки, «жиловимиз» анча бўшатиб қўйилди, ижодий эркинлик, ҳурликка йўл очиляптики, бунинг бир мисоли Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» хотира қиссасининг «Ёшлик» ойномасида (1990 йил 8—10 сонлар) босилиб чиқишидир.

Шу ерда ўқувчиларимиздан бири: тўхтанг, тўхтанг, ахир, бир асарнинг босилишини жасорат деб баҳоласангиз, бугун бундай жасоратлар ғоятда кўпайиб кетиб, ўз қадрини йўқотмайдими, деб қолиши мумкинки, бунда жон бор, лекин гап биринчи галда сон, миқдор эмас, сифат ҳақида бориши лозим. Бу бир. Иккинчидан, юқорида келтирилган биргина «ҳужжат»нинг ўзи кўрсатиб турибдики, бундан икки-уч йил олдин қайси бир раҳбар ёки казо-казоларга қаттиқ тегиб кетадиган асарни эмас, балки бир-икки ўткир фикрни матбуотда эълон қилдириш нақ дўзахга кириб чиқиш билан баробар эди ва бундай «дўзах»ларни келтириб чиқарадиган ҳар хил тазйиқу таъқиблардан ҳозир расман воз кечилса-да, ҳали улар ўз кучи, аҳамиятини йўқотганича йўқ. Ахир, баъзи раҳбарларимиз партия яккаҳокимлигига чек қўйилди, хилма-хил, ранг-баранг, бир-бирига зид, қарама-қарши фикрлар, дунёқарашлар, эътиқодларга эса кенг йўл очилди, деб жар соляпти-ю, аслида ҳамма вақт янги давр шиорлари билан моҳирона ниқобланиб, ўз анъаналарини мардонавор ривожлантирмоқда-ку! Шунинг учун ўзларини фош қиладиган ҳақиқий истеъдодларга муттасил қарши курашиб келганлар. Бунинг бир исботи яна ўша «ҳужжат»: ахир, ундаги айбдорлар орасида Шукрулло номи тилга олингани бежиз эмас. Диққат қилинг: у ҳе йўқ, бе йўқ ҳеч қандай гуноҳсиз, айбсиз беш йил турма азобу уқубатларидан обдон «тўйиб» келса, бир кун, икки кун эмас, беш йилнинг ҳар бир лаҳзасида ўлиб-тирилган бўлса-ю, нима учун яқин кунларгача, ижодий меҳнатига, изланиш-интилишларига, бутун фаолиятига яраша иззату ҳурматини топмади, аксинча, доимо адабиёт ва санъат «душманлари» қаторида қораланиб келди?

Яна шу тобда: тўхтанг, нега қораланар экан, у халқ шоири унвонини олди-ку, ҳамма вақт расмий доиралардан четда қолдирилмади, ҳар хил каттами-кичикми мукофотларга тавсия қилинди, бу унинг тақдирланиши эмасми, деб қолишингиз мумкин. Яқинда кимлардир шу тахлитда мулоҳаза юритиб, мана, Абдулла Қаҳҳорнинг бутун умри тазйиқу таъқибларга тўлиб тошган дейсизлару, аслида у партия ва ҳукуматнинг арзандаси сифатида, СССР Давлат мукофоти, Ҳамза мукофотининг лауреати бўлди, халқ ёзувчиси унвонини олди, қанча ордену медаллар билан тақдирланди, деб бонг урдилар...

Ҳа, Абдулла Қаҳҳор, шунингдек, Шукрулло тақдирлангани рост, бироқ «Шоҳи сўзана» Ленинград саҳнасида муваффақият қозонгани, «Синчалак», «Тобутдан товуш»ни Константин Симонов русчалаштириб чоп эттиргани, Абдулла Қаҳҳорнинг ўзлари ахён-аҳёнда ҳар хил тўғри-нотўғри йўллар, воситалар орқали ҳақ гапни айтиб туриб, ўзига хос халқ қаҳрамони бўлгани баъзи раҳбарларни унга марҳамат кўрсатишга мажбур этди-ку! Борди-ю, Шукрулло ҳам Москва матбуотида шеърлари, публицистик мақолалари билан тез-тез кўринниб, Ч. Айтматов, Қ. Қулиев, Д. Қуғултинов каби ижодкорлар эътиборини тортмаса, жумҳуриятимизда ҳам ўзига хос обрў топмаса, раҳбарият нигоҳидан четда қоларди. Айтмоқчиманки, Абдулла Қаҳҳор ҳам, Шукрулло ҳам қандайдир мажбуриятга мувофиқ онда-сонда тақдирланиб, мукофотланиб турганига қарамасдан, сиёсий таҳдиду таъқиблардан қутула олмадилар, уларнинг тенгдошлари, сафдошлари эса ҳамиша ўзбек совет адабиётининг асосчилари, йирик намояндалари сифатида ардоқландики, бунинг моҳиятини тушунмасдан мулоҳаза юритиш фақат зарар келтиради, ноҳақлик, адолатсизликни юзага чиқаради. Лекин нима учун Абдулла Қаҳҳор билан Шукруллони ёнма-ён қўймоқдасиз, ахир, бу адолатсизлик, ноҳақлик эмасми, деб қолишингиз турган гапки, бунга жавобан дейман: уларнинг ёнма-ён тилга олинаётгани тенглик аломатини билдирмайди. Шунга кўра бири қанчалик юксак чўққига кўтарилса, иккинчиси ҳам ўшандай мартабага эришган, деб айтишга ҳеч қандай асос йўқ. Аммо улар ўртасида қандайдир муштараклик мавжудки, бу ҳар иккала ижодкор ўз куч-қудрати, имкониятларига яраша ҳар хил савияда яратган бир қанча асарларида намоён қилган курашчанлик, жанговарлик руҳидир.

Ҳар ҳолда Шукрулло ўзбек адабиётининг Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби забардаст намояндалари билан Абдулла Қаҳҳор анъаналари, тажрибаларини ижодий ўрганиб, ўзлаштириб қалам тебратганки, буни айниқса, «Кафансиз кўмилганлар» асари тўла тасдиқлайди. Ахир, қонли-қонсиз фожиалар ҳақидаги мулоҳазаларимизнинг аксарияти худди шу асар туфайли туғилгани бежиз эмас-ку! Бинобарин, нимани янги фикрларнинг пайдо бўлиб, қизғин баҳслар, талашиб тортишувларга чорласа, ўшанинг мустаҳкам ҳаётий замини бўлиб, ҳақиқату адолат туйғуси билан йўғрилганини кўрсатади. Лекин мазкур хотира-қисса айрим саргузашт, детектив асарлар ёки «Тошболта ошиқ» ёки «Келинлар қўзғолони» каби каттa шов-шувга сабабчи бўлмаса керак. Чунки, аксари ўқувчиларимиз, томошабинларимиз нуқул енгил-елпи ўқилиб, тезда кўзга кўринадиган «ағдар-тўнтар»лар, ҳар хил «олди-қочди»лар, «ур-йиқит»ларгагина қизиқадиган бўлиб қолди. Пировардида умуман бадиий асар ўқишга иштиёқ сусайиб кетди. Ана шундай пайтларда қалбларни тўлқинлантириб, ҳаёт муаммолари ҳақида ўйга толдирадиган асарлар кўпчиликнинг эътиборидан четда қолмоқда. Ахир, қарийб ярим асрдан бери «душманлик, миллатчилик руҳи» билан суғорилган, тақиқланган бир қанча асарлар, хусусан «Кеча ва кундуз» романи оқланиб қайтадан чоп этилганда ёки Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат»и ўзбекчалаштириб берилганда негадир китобхонлар даврасида гўё ҳеч қандай жиддий ўзгариш бўлмагандай одатдаги осойишталик, жимжитлик, сукунат ҳукм сурганига хайрихоҳлик билдиролмайман.

Табиийки, «Кафансиз кўмилганлар» Чингиз Айтматов асарлари савиясида битилган деб шов-шув қилишга ҳеч қандай асос йўқ. Лекин шуниси муҳимки, мавзу жиҳатидан ҳам, мавзунинг ёритилиши жиҳатидан ҳам Шукрулло ўзига хос янгилик берди, деб бемалол айтиш мумкин. Яна қандай янгилик денг! У кўп жиҳатлари билан рус насрида, хусусан Солженицциннинг «Гулаг архипелаги»да ҳар томонлама чуқур бадиий тадқиқ таҳлилдан ўтказилган турма ҳаётига оҳангдошлиги, муштараклиги билан ажралиб туради, бироқ бу оҳангдошлик, муштараклик тақлидчилик ёки рус адибларининг тажрибаларига кўр-кўрона эргашиш меваси эмас. «Кафансиз кўмилганлар»да ўзбек ёзувчисининг даҳшатли фожиалар, қонли-қонсиз фожиалар гирдобида чексиз ғам-аламларга «кўмилиб», амал-тақал кун кечирганига қарамасдан ҳар қандай шароитларда инсонийлик қиёфасини сақлаб қолгани гоҳ эҳтиросли, таъсирчан манзараларда кўрсатилиб, гоҳ юракдан отилиб чиққан таърифу тавсифларда баён этиладики, бу мазкур асарнинг бир пайтнинг ўзида ҳам бадиий, ҳам публицистик мазмун касб этганига асосдир. Тўғри, бир қанча ҳолларда қаламга олинган воқеаларнинг ичига чуқур кириб борилмайди, иккинчи даражали қаҳрамонлар қиёфалари хотирамизда абадий «муҳрланиб» қоладиган даражада моҳирона чизиб берилган дейиш қийин. Бунга балки воқеаларнинг муаллиф номидан ҳикоя қилиниши халақит берганлиги сезилиб туради. Асарнинг «хотира-қисса» деб аталишига ҳам шу омил сабабчи бўлгандир.

Лекин энг муҳими, бош қаҳрамон сифатида фаолият кўрсатадиган Шукруллонинг оддий инсон ҳамда ижодкор сифатидаги кечинмалари, кузатишлари, баҳс-мунозаралари, ўз рақиблари билан тўқнашувлари кўпинча ҳаққоний ёритилади. Яна шундай ёритиладики, кўз олдингиздан бадиий ижодда эндигина камолот сари қадам ташлаган қаламкашларнинг қандай ноҳақликлари, таъна-ю, туҳматларга асосан ҳибсга олиниб, турмада қандай азоб уқубатларни бошидан кечиргани, ўша ерда терговчи-ю бошқа кимсалар, яъни маҳбуслар билан учрашуви, тўқнашувлари, ўзини қандай оғир, даҳшатли ўйлар, хаёллар эзиб, бўғиб, азиз, ширин жони-ю танини кемираётгани бирма-бир ўтиб туради. Шукрулло умрини 25 йил қамоқда, сўнгра 5 йил сургунда ўтказишга маҳкум этилишидан ташқари тағин 5 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Қаранг-а, ўттиз йил тутқунликда яшаши керак! Агар бу жазо айбига, жиноятига яраша берилса эди, унда азобу уқубатлар, ғам-аламлар балки одамнинг покланиши, қайтадан ҳақиқий инсон бўлиб туғилишини таъминлармиди, деб ўйлашингиз мумкин, аммо «Кафансиз кўмилганлар»нинг бош қаҳрамони қандай гуноҳ-жиноят қилганидан мутлақо бехабар-ку! Зотан, унинг терговчига гоҳ ҳаёлан, гоҳ бевосита, тўғридан-тўғри мурожаат этиб: «Гуноҳим сенга маълум бўлса, айт, қасам ичаман, исбот қилолсанг, ҳар қандай жазога розиман» деб фарёд чекиши бежиз эмас. Лекин барибир қандайдир дастаклар бўлиши керак-ку, ахир, шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирламайди-ку, дейишингиз мумкин, бунга жавоб қуйидагича: Ҳа, бир қанча «дастак»лар, «шамол»лар бор экан:

Вужудимни тилиб тилка-тилка
Айла, виждонимни сотмайман.
Халқ дардини жойладим дилга,
Ўлдир, ўлимдан ҳам қайтмайман.

Терговчи мана шу мисралар оддий «шамол» эмас, балки даҳшатли «бўрон, довул» бўлиб, Совет ҳокимиятига хавф туғдиришини қуйидагича изоҳлайди: «Демак, совет халқи бахтсиз, ғамда қолган, уни ғамдан озод қилиш учун ўлимдан ҳам қўрқмай курашмоқчи бўлгансан! Ким билан курашмоқчи бўлгансан? Қайси йўллар билан қутқармоқчи бўлгансан?».

Қаранг-а, тўрт мисрали шеър қандай талқин қилиниб, қандай хулосалар чиқарилмоқда! Ахир, бу йўқ ердан чанг чиқариш, қип-қизил туҳмат-ку!

Яна шуниси борки, ижодкорлар, зиёлиларни бундай усул билан бадном этиб, миллатчига, халқ душманига чиқариш кенг тарқалиб, ҳаётимизда чуқур илдиз отганини хотира-қиссада қаламга олинган ўнлаб фожиали тақдирлар сўзсиз исботлаб, бундан кўз юмиш фақат тарихимиз олдидагина эмас, балки бугунги турмушимиз, келажагимиз олдидаги жиноят эканлиги кўрсатилади.

Мана, оддий ўқитувчи Шукур Калонов. У нима учун халқ душмани сифатида қораланиб, миллатчига «айлантирилибди» денг? Тинтув пайтида унинг уйида Чўлпоннинг шеърлар тўплами топилибди, мактабда Мунаввар Қори, Шорасул Зуннуновлардан таълим олибди, буваси руҳоний эмиш. Троцкий портрети чизилган бир журнални ўқибди...

Яна бир фожиали тақдир: беш-ўн қути папирос ҳамда қурут сотиб, бир амаллаб кун кўрадиган Илёс ота. У нима учун қамалгансиз, дейишса, шундай жавоб қайтарибди: «Мен Совет ҳокимиятини ағдармоқчи бўлганман... Ахир, мен, кексайган, гиёҳванд, эси кирдичиқди бўлиб қолган бир одамга, сен чойхонада ўтириб олиб, ҳукуматга қарши ғиғво, туҳмат гапларни айтгансан, деса, хўш, мен нима дейишим керак?.. Мен, нодон, худо урган бўлмасам, таниш-билиш, яқинларинг ким, деса, ёнимдаги колхоз дўконининг сотувчиси Ҳакимжоннинг, чойхонанинг ёнида турадиган эрталабдан кечгача чойхонадан чиқмайдиган Ҳамидхоннинг номларини айтаманми?!

Шу гапим сабаб бўлиб, мана энди уларни ҳамма халқ душмани деб қамашибди! Наҳотки, бизлар ҳукуматни ағдарсак! Наҳотки шундай катта давлат, шунча аскар, шунча қуроли билан бизлардан қўрқиб ўтирса?!».

Йўқ, давлатнинг ўзи эмас, унинг раҳбарлари ўз фуқароларидан қўрққани учун таъқиқу тазйиқларни авж олдириб, фақат Сибирдагина эмас, балки бутун мамлакатда жуда кўп турмалар қурган, «Гулаг архипелаги»га (Солженицин ўзининг уч жилдлик турмалар қомусини ана шундай деб атаган) айлантирган.

Муқаррарки, қўрқиш туйғуси ҳар қандай тирик инсонга, жонли жониворга хосдир, бу туйғусиз яшашнинг ўзи мумкин эмас, яъни фақат ўликларгина ҳеч нарсадан қўрқишмайди. Лекин бу туйғу онда-сонда рўй берадиган табиий офатлар, зилзила-ю ёнғин ёки сув тошқини ёҳуд одамларнинг ўзаро жанжаллари, урушиб талашишларида пайдо бўлиб, ҳар кимнинг ўзини муҳофаза қилишга қаратилса, бироз зарар етказиб, тезда ўтиб, йўқолиб кетиши, бошқа ҳислар, айтайлик, қувонч бахт туйғуларига ўрин бўшатиб бериши ҳаётнинг табиий қонунидир. Лекин бу қонун ҳам ўзига хос фожиа, қонсиз фожиа тарзида қабул қилинади. Аммо жамият, ҳокимият ўз фуқароларини бир кун, ўн кун, бир ой эмас, қарийб етмиш йил мобайнида етти ухлаб тушингда кўрмаган таъқиқу тазйиқлар, қамоқлару сургунлар, отиб ўлдиришлар орқали кеча-ю кундуз қўрқув туйғуси билан яшашга мажбур этганини Солженициннинг «Гулаг архипелаги»да, рус ёзувчиларининг қатор асарларида, Ҳ. Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари» китобида, мана энди «Кафансиз кўмилганлар»да бутун вужудимиз билан сезиб турамиз. Айтайлик, Шукрулло маҳалла оқсоқоли Маманбей ҳақида шундай деб ёзади: «Доимо кўнглимда қулоқ қилинсак ёки домла деб отамни қамашса, нима қиламиз, деган ғаплик, қўрқув ётарди. Онам эса эшик тиқ этса, Маманбей кимни устимизга кўчириб келяпти, деган хавф билан кун ўтказарди».

Йигирманчи йиллардан авж олдирилган «қизил террорчилик», яъни ҳеч қандай гуноҳсиз, айбсиз, жиноятсиз, қама-қамалар, отиб ўлдириш, сургун қилишлар коллективлаштириш, маданий инқилоб даврида янада кенг миқёсда давом эттирилиб, чуқур илдиз отгирилди, сўнгра ўттизинчи-эллигинчи йилларда қатағонлик, олтмишинчи-етмишинчи йилларда эса турғунлик номи билан аталиб, турли хил шакллар, воситалар орқали амалга ошириб турилди, фақат қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёнида бу иллатларга ҳужум бошланди, бироқ уларнинг фақат жуда оз, юзаки қисмидангина қутуляпмиз, холос, Ваҳолонки, улар шунчаки оддий иллатлар бўлмасдан, бир жиҳатдан, юзлаб, минглаб эмас, миллионлаб ҳалол меҳнаткашлар, чинакам истеъдод соҳиблари халқнинг асл фарзандларини ўлимга, қонли фожиаларга олиб келса, иккинчи томондан, озодликда қолган катта-ю кичик одамлар, ёшу қарилар, хотин-халажлар вужудини, қалбу онгини фақат қўрқув, хавф, ўлим, ҳалокат ҳисси билан тўлдириб, уларнинг чексиз руҳий қийноқлар азобу уқубатлар гирдобида «ғарқ» бўлишини, яъни қонсиз фожиаларни бошдан кечиришларини таъминлади, учинчидан эса ана шу қонли-қонсиз фожиаларнинг қатағонлик, турғунлик талабларига мувофиқ амалга оширилиши учун фаол иштирок этадиган минглаб «маманбейлар»ни яратди. Шундай «маманбейлар»ки, улар коммунизм, Совет ҳокимияти, Компартия ғалабаси учун ҳатто ўз ота-оналари, фарзандларидан воз кечиб, ҳатто уларни ўлимга маҳкум этиб, ҳар қандай мудҳиш ишларни, қотилликларни жасорат деб биладиган сиёсатнинг қуллари, манқуртлари сифатида фаолият кўрсатди.

«Кафансиз кўмилганлар»да ана шу маманбейларнинг бевосита иштироки, ташаббуси ҳамда ёрдами билан Шукруллонинг ўзи, унинг Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби маслакдошлари, иттифоқчиларигина эмас, балки холасининг ўғли Лев Толстой билан хат ёзишган илғор зиёли Убайдуллахон, хотинининг отаси, бутун оиласи, қариндош-уруғлари билан, ўқитувчиси профессор Ҳамид Сулаймон, Совет ҳокимиятининг ўрнатилишида фаол қатнашган тошкентлик коммунист Насриддин Хўжаев каби бевосита ёки бавосита кўрган-билган, учрашган одамлар қатағон қилиниб, ҳалокатга учрагани таъсирчан ғам-аламли «ҳикояча»ларда гавдалантирилади. Нега энди «ҳикояча»лар?

Гап шундаки, хотира-қиссада ҳозиргина тилга олинган мўътабар шахслар уруш пайтида бизга асир тушиб, қандайдир йўллар орқали Чирчиққа бориб қолган, уйланган, лекин ҳибсга олинган собиқ немис солдати Лоран, оёғи йўқ ногирон Иван каби маҳбусларнинг аянчли аҳволи, фожиали тарихи, таржимаи ҳоли алоҳида-алоҳида олиниб, бамисоли жажжи ҳикояларда ёритилади. Бу «ҳикояча»лар бамисоли ўзига хос кичкина асарлардай таассурот қолдиради, айни чоғда улар асар бош қаҳрамони тақдирига, кечмиш-кечирмишларига муайян даражада «уланиб», боғланиб кетиб, ўзига хос бутунликни ташкил этади. Тўғри, бу яхлитликнинг айрим парчалари бир-бирларига сунъий ёпиштирилганга ўхшайди, уларда кўпроқ санъаткор ёзувчининг жонли тасвири эмас, балки публицист ёки журналистнинг чақириқнома, шиорнома мулоҳазалари ҳукмронлик қилади.

Чунончи, ногирон Иваннинг «Мен терорист эмишман! Айбим, мастлик билан трамвайда Сталинни сўкканмишман! Нима деб сўкканман, ўзим ҳам билмайман... Ҳақиқий шоир Есенин эди!» деб жиғи-бийрон бўлиши-ю бир кечада ўзини ўлдириб қўйгани ҳаётда рўй берган ҳодисадай таассурот қолдиради-ю, лекин унинг айтган гаплари, хатти-ҳаракатлари реал воқеликнинг ўзидагидай, табиийлик билан чизилмаган. Ҳар ҳолда бу «ҳикояча»да фикрлар баланд пардаларда жаранглайди-ю, бироқ уларнинг моҳияти ҳаяжонли манзараларда кўрсатилмайди. Шунингдек, «Кафансиз кўмилганлар»нинг бир қанча ўринларида асар қаҳрамони ўзининг ҳеч қандай айбсиз айбдор, жиноятсиз жиноятчига айланганини ҳаққоний тасвирлаб берганига ишонқирамагандай ўзининг «халқ душмани», миллатчи сифатида қамалганини баъзан ўринли-ўринсиз ҳадеб қайта-қайта уқтиравередики, бу ҳам хотира-қиссанинг таъсирчанлигини бироз сусайтиради. Аммо ғап бу айрим нуқсонларда эмас! Ахир, гул ҳам тикансиз бўлмайди-ку! Шунга кўра адолат юзасидан «Кафансиз кўмилганлар»даги айрим «тиканлар»ни қайд этмоқдамиз. Аммо муҳими, шундаки, бу асар Шукрулло изланишлари-интилишларининг баракали самарасидир ва у фақат ўқувчиларгагина эмас, балки ёзувчиларга ҳам ибратли сабоқ бўлади.

Йўқ, Шукрулло бадиий кашфиёт яратган, демайман. Бундай дейишга асос ҳам, зарурат, эҳтиёж ҳам йўқ. Лекин шуниси аниқки, у ўзининг ҳамда ўзига ўхшаш ҳалол, истеъдодли, доно зиёлилар билан бирга айрим давлат арбоблари турғунлик, тоталитар тузум зулми остида қонли-қонсиз фожиаларга гирифтор этилганини таъсирчан, аянчли, оғир, даҳшатли манзараларда кўрсатиб, бир қанча одамлар эмас, балки бутун меҳнаткаш, заҳматкаш халқимиз жарангдор, баландпарвоз, дабдабали коммунистик, социалистик чақириқлар, шиорлар, мурожаатларга моҳирона ниқобланган ҳолда тарихда мисли кўрилмаган қулликка, манқуртчиликка олиб келинганини, эндиликда сўзда эмас фақат амалда миллий, иқтисодий, ижтимоий мустақиллик ғалабасини таъминлаш ниҳоятда зарурлигини яна бир карра тасдиқлайди.

«Кафансиз кўмилганлар» бамисоли замонавийлик руҳи билан суғорилиб, бугун рўй бераётган ижобий ҳамда салбий ўзгаришларга гоҳ бевосита, гоҳ бавосита «пайванд»ланиб кетади. Ахир, ҳозирги инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш маънавий-ижтимоий соҳаларда кўзга кўринарли муваффақиятларга эришганига қарамасдан иқтисодиётда, шунингдек сиёсатда тўла ғалаба қозонолмаётганига 20—50-йилларда халқимизнинг асл, доно, истеъдодли фарзандларини ҳеч қандай айб, гуноҳ, жиноятсиз «халқ душманлари, миллатчилар»га айлантириб, ҳалокатга олиб келган ўша пайтлардаги партия, ҳукумат раҳбарларининг шу бугуннинг ўзида моҳирона ниқобланиб, фолият кўрсатаётган издошлари, иттифоқчилари, содиқ хизматкорлари бош сабабчи, етакчи тўсиқ эканлиги сир эмас-ку!

Шукрулло ана шу издошлар, иттифоқчилар, содиқ хизматкорларни фош қилиш, ҳақиқий янгиланиш, покланишни амалга ошириш учун ҳар қандай оғир машаққатли шароитда инсонийлик қиёфасини сақлаб қолиб, ҳар қандай мукофотлар, имтиёзлар эвазига сотқинлик, ҳиёнаткорлик кўчасига кирмайдиган одамлар билан бирлашиш, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ўрнатишга даъват этмоқда. Бу даъват эса яқиндагина ўз ишини тамомлаган Иттифоқ халқ депутатлари тўртинчи съездида қабул қилинган мурожаатномага ҳамоҳангдир: «Биз барча сиёсий партияларга ва жамоат ҳаракатларига мурожаат қилиб, амалий ҳамкорликка чақирамиз... Съезд турли кучларнинг мана шундай бунёдкорона ҳалол мулоқоти намунасини кўрсатди, буни давом эттириш ва ривожлантириш керак».

Худди шунга ўхшаш фикрлар Иттифоқимиз, республикамиз Президентларининг халқимизга мурожаатномаларида ҳам ўз аксини топганки, бунга табиийки, қўшилиш зарур. Айни чоғда шуни таъкидлаш лозимки, сўзда иттифоқ бўлиб, инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялашни қўлаб-қувватлаб, амалда эса ҳар хил найранглар ёлғон-ящиқлар билан эскиликни қайтадан «тирилтириб», диктатура, яъни яккаҳокимчилик ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашаётган кучлар бартараф этилганича йўқ. Аксинча, улар ҳамон кенг миқёсда ўзларининг қора ишларини янги шиорлар, чақириқлар, мурожаатларга ўраб олиб бормоқдаки, бунга қарши курашиб, ҳақиқий муваффақият қозониш учун кафансиз кўмилганлар руҳига, маънавий қудратига суянмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Норбой Худойберганов катта адабиётга олтмишинчи йилларда теран нигоҳ ва дадил қадам билан кириб келган адабий танқидчилар сулоласининг бугунги кундаги етакчи вакилларидан. Ўзбек адабий жараёни таҳлилига бағишланган ўндан ортиқ китоблар муаллифи, филология фанлари доктори, ТошДД профессори.

Норбой Худойберганов ижоди учун ижодкор шахси эмас, балки бадиий асар ва ҳаёт ҳақиқати бош мезондир. Шунинг учун бўлса керак, мунақкиднинг адабий жараён ҳақидаги мулоҳазалари кўп ҳолларда баҳс ва мунозараларга сабаб бўлади. Энг муҳими, адабиётимизнинг эртанги куни ҳақида фикрлашга даъват этади.

МУШТАРИЙ:

ХАБАР БЕРАДИ:

ҒАМХЎРЛИК

Афғонистонда байналмилал хизмат бурчини ўтаб қайтган жангчиларга савдо хизматини яхшилаш ва уларнинг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида Андижон шаҳар мева-сабзавот савдо бошқармаси 9-дўконни фойдаланишга топширди.

Андижон ноҳияси Куйганёр посёлкасида вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли махсус шифохона-санаторий ҳам ўз фаолиятини бошлади. 100 ўринли ушбу шифо маскани-нига келувчилар бу ерда ҳам дам олишади, ҳам даволанишади.

Н. ИНОҚОВ.

ОЛҚИШ

● Ҳозирги кунда радио ва телефон хизмати кириб бормаган хонадон, ундан фойдаланмаган бирор инсон бўлмаса керак. Нуриддин Ражапов бошчилик қилаётган Эллиққалъа ноҳиясининг алоқа ходимларидан кўпчилик миннатдор. Жамоа хўжаликларидаги алоқа бўлимларида ишлаётган Саъдулла Берганов, Саъдулла Тожибоев, Йўлдошбой Рўзимбетов, Юсуфбек Ҳасанов, Рейимбой Сапаев каби фидокорлар ана шулар жумласидандир.

К. ШАРИПОВ,
С. ЖУМАНИЕЗОВА.

...ТАНҚИ

АХБОРОТ

Андижон ёғ-мой комбинатида соқол олишда фойдаланиладиган «Наврўз» кўпирувчи мойи тайёрлана бошланди. Уни тайёрлаш технологияси Олмалиқ рўзғор кимёси заводида ишлаб чиқилган. «Наврўз» шу заводнинг ўзида сиқма идишларга солинябти. Янги маҳсулот табиий ёғлар ва ўсимлик шарбатидан тайёрланяпти, унинг таркибида аминокислоталар ва мойсимон эфирлар бор. Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Наврўз» яхши кўпиради, терини юмшатиб, мустаҳкамлайди. Комбинатнинг янги участкаси тўла қувватга эришганидан кейин у ҳар ойда 30 тоннагача шундай маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди.

* * *

Пастдарғом районидаги Калинин номли жамоа хўжалигида ташкил этилган «Марҳабо» кооперативининг ходимлари хўжаликнинг олис қишлоқларидан яна бирига газ қувури ўтказа бошлади. Кейинги икки йил ичида ана шу ишлаб чиқариш бўлинмаси ёрдамида жамоа хўжалигининг бешта қўрғонига табиий газ ўтказилди. Ётқизилган газ қувурларининг умумий узунлиги бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ 55 километрни ташкил этди.

* * *

Қорақалпоғистондаги «Тахтақўпир» шоличилик давлат хўжалигининг марказий қўрғонида савдо маркази очилди. Энди барча моллар — кийим-кечак, хўжалик буюмлари, ўйинчоқлар, рўзғор электр ускуналари, озиқ-овқатлар бир жойда сотилади. Илгари маҳаллий аҳоли қўрғоннинг турли бурчакларида жойлашган бир қанча кичик дўконларни айланиб чиқишига тўғри келарди. Пештахталар бўш ётмаслиги учун эса савдо марказининг жамоаси маҳсулот тайёрловчиларнинг ўзлари билан молетказиб бериш тўғрисида шартномалар туза бошлади.

(ЎзТАГ).

ОҚСОҚОЛЛАРГА ЧОЙХОНА

Ургут районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида чойхона қурила бошланди. Бу ердаги оқсоқолларнинг эски орзусини амалга оширишни район деҳқончилик-саноат уюшмаси ҳузуридаги қурилиш кооперативининг усталари ўз зиммаларига олдилар. Улар район хўжаликларида ҳақли равишда обрўэътибор қозонишган. Чунончи, кооператив авария ҳолатидаги мактаблардан бирини тез ва сифатли капитал ремонт қилиб берди, энди эса ўша ернинг ўзида устахона қуряпти.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ БОЗОР

Хоразмдаги Дружба шаҳри марказида янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ бозор комплекси қурила бошланди. Усти ёпиқ бозорнинг фойдаланиладиган майдони қарийб 300 квадрат метр бўлади. Шу ернинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари текшириладиган лаборатория, совутиш системалари ҳам бўлган сабзавот сақланадиган хоналар, бошқа ёрдамчи бинолар жойлашади.

(ЎзТАГ).

Республикамизда бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги шароитда кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор қаратилмоқда. Суратда: меҳр-шафқат фонди фаолларидан Сурайё Йўлдошева харид қилиш учун келган нафақачиларни рўйхатдан ўтказмоқда.

А. РИСҚИЕВ сурати (ЎзТАГ).

• ОДОБНОМА •

Ўзаро ҳурмат, катталарга иззат-икром, меҳр-оқибат, акаукачилик, қўшничилик...

Халқимизнинг қандай ажойиб урф-одатлари бор-а! Афсуски, аксари ҳолларда биз бу одатларимизга сайқал бериб, бойитиш ўрнига унга болта урамиз, кимлигимизни унутамиз...

Отани бола, фарзандни эса падари бузруквори судга бераётганлигини эшитиб қоламиз. Уруғчилик, миллатчилик кайфиятларига дуч келамиз. Ахир ҳар ким ўз билганича йўл тутаверса кемамиз қаёққача бораркин?! Бу савол турмушнинг оғир-енгилини кўрган биз қарияларни ташвишга солмоқда.

Қадимда бир амалдор ўтган экан. Эл орасида обрўси баланд экан. Бир куни амалдордаги тўртта фазилат ўзаро мунозарага борибдилар.

Аммо деҳқоннинг кетмони ердан кўтарилди. Дарҳақиқат, чўлларга ҳам пахта экиб ташлланганидан ҳаммасига улгуриб бўлмайди, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») рўзномасининг 1936 йил 4 ноябрдаги сонида бир звено бошлиғи ҳар гектардан қандай қилиб 400 центнердан узум олганлиги ҳақида сўз юритилади. Кўряпсизми, у пайтда жамоа хўжаликлари эндигина ташкил бўлган, «агро» ҳам, «техника» ҳам яратилмаган эди. Ўша вақтда оқ ва қора кишмиш нав узумнинг уч килосидан, бошқа навларнинг тўрт килосидан бир кило майиз олмаган боғбонни боғбон санамас эканлар.

Хўш, эндичи. Ҳар гектар токзорга кўпи билан 100 центнер ҳосил белгиланади. Бу кўрсаткични 120 центнерга етказганларни осмонга кўтарамиз. Майиз чиқими эса етти ва ҳатто саккиздан бирга тушиб қолди. Одамлар шахсий томорқаларидаги экинларга ҳам ана шундай муносабатда бўлмоқдалар.

Биз агротехника қалмаси остида анъанавий меҳнат маромларини унутиб юбордик. Деҳқонлар ҳам истеъмолчига айланди. Шаҳарни қўйинг, қишлоқ болалари ҳам ҳозир арпа билан буғдой бошоғини фарқлай олишмайди. Агар эътибор берган бўлсангиз, парвариши, мева солиши қийин кечадиган экинлар камайиб кетмоқда. Чунки бунинг учун агротехника эмас, деҳқоннинг ҳақиқий, кундалик меҳнати, меҳру-муҳаббати, эътибори зарур. Биз эса бозордан ҳатто ювилмаган сабзини олмаймиз...

Большевик ноҳиясидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра Кўмаков бошлиқ бригада 25 центнердан ҳосил кўтариб, режани бажаргани, яна 7—8 центнер ҳосил беражаги ҳақидаги ахборотни ўқиганимда бундан бор-йўғи саккиз йил муқаддам шу хўжалик 60 центнерчилар сафида юргани кўнглимга келди...

Ишқилиб инсоф, диёнатнинг қайтгани рост бўлсин...

Жумҳуриятимиз раҳбарлари халқимизнинг ажойиб анъаналарини тиклаш учун ҳаракат қилаётганликларини кўриб қувониб кўяман. Бундай пайтда ҳар биримиз ақлу заковатни ишга солиб, турмушимизни яхшилашга ҳисса қўшишимиз зарур. Аждодларнинг меҳнат маромларини қайта тиклаб, уларнинг дўстлик, қардошлик, бирбировига меҳру шафқат билан қараш фазилатларидан ибрат олиб борсак, ҳаётимиз шу қадар гўзал, мазмунли бўлади. Бунга ишончимиз комил.

А. НАРЗИҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси.
Самарқанд.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ— ИФТИХОРИМИЗ

Амал айтибди:

— Мен туфайли одамлар ўртасида унинг ҳурмати баланд.

—Йўқ,—эътироз билдирибди давлат. — Мен борманки, у доим кўкрагини кериб юради.

— Иккаланглиз ҳам бекорга чиранаяпсизлар, — гапга аралашибди фаросат. — Чунки, менсиз у амални ҳам, давлатни ҳам қўлида ушлаб тура олмайди.

— Тўхтанглар, тўхтанглар, — дебди шунда ақл. — Даъволарни аввал синаб кўриб, кейин хулоса чиқарамиз. Келинглар, ўзимизнинг қадр-қимматимизни инсон умрида синаб кўрамиз.

Хуллас, ҳалиги кишига биринчи бўлиб амал борибди. Ҳаял ўтмай, амалдор ўзидан кетиб, босар-тусарини билмай қолибди. Элга жабр қила бошлабди. Одамлар ундан қочадиган бўлибдилар.

Кейин навбат давлатга етибди. Ҳалиги одам кибру ҳавога берилиб, ҳатто ўз ота-онасини ҳам танимай қолибди.

Фаросатнинг ташрифидан сўнг бояги кишн кам гап, сўлғин, ўйчан, ҳамма нарсани мағзига қадар тушунгани билан қўлидан бирор иш келмайдиган мубталога айланиб қолибди. Ниҳоят ақл ўз ўрнига қайтиб келгач, ҳамма фазилатлар саф тортишибди. Амалдор яна аввалги ҳурмат-иззатини топибди.

Ҳа, ота-боболаримиз ана шундай ўгитларга таяниб иш тутардилар. Тўрт киши тўпланса меҳру оқибатдан, одамгарчиликдан сўз очилар эди. Қадриятлар ҳар қандай бойликдан устун турарди. Тўртта-бешта қўшнининг тузлиғи, ҳамир лагани, ҳатто шарбатхонаси битта бўларди. Бугун эса... ота билан бола мол талашиб ўтирибди.

Айтишларига қараганда, инқилобдан бурун қишлоғимизда бир тиланчи пайдо бўлибди. Матчоҳ тоғларида ҳаво қурғоқчил келган йиллари ўша ерликлар мардикорликка кетишаркан. Меҳнат қилишга кучи етмаганлари тиланчилик қилишаркан. Ҳалиги одам 2—3 йил қаторасига келгач, бизнинг қишлоқдаги масжидда гап кўтарилибди:

— Ёши бир ерга бориб қолган биродаримиз қачонгача тиланчилик қилади. Икки юз уйли элат бир одамнинг рўзғорини боқа олмаймизми?

Хуллас, ҳамқишлоқлар енг шимариб ишга тушдилар. Бобога икки уй, бир даҳлиз, ошхона, молхона қуриб бердилар, кимдир сигир ҳам топиб келди. Дарвоқе, кейинчалик хирмон кўтарган чоғларда ҳам бу хонадонни эсдан чиқармадилар. Ҳозир бобонинг укаси, опа-сингиллари (у кишининг ўзи вафот этган), невара-чеваралари қишлоқ аҳли билан оғаини бўлиб кетган. Ўзларига тўқ ва тинч яшашади. Дарвоқе, бундай эзгулик фақат бизнинг қишлоқнинг эмас, имони бутун барча одамларнинг анъанавий таомили эди.

Меҳнат халқимизнинг энг яқин ҳамроҳи, ҳаётий эҳтиёжи бўлган.

...Халқимизнинг синалган меҳнат маромлари бор. Унга агротехника деб ном бердик.

А. НАРЗИҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси.
Самарқанд.

• Спорт •

БИРИНЧИ ЧЕМПИОН

● Вена шаҳрида шарқона беллашувнинг таэквандо тури бўйича ўсмирлар ўртасида биринчи марта Европа чемпионати ўтказилди. Мусобақада совет полвонлари муваффақиятли куч синашишди. Улар 12 мамлакатдан келган тенгқурлари орасида маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилиб, битта олтин, иккитадан кумуш ва бронза медалларни қўлга киритдилар. Тошкентлик Евгений Ли Европанинг биринчи чемпиони деб, эътироф этилди. Унинг ҳамшаҳари Юрий Пак мусобақанинг кумуш медалини олди.

Григорий Михайлович РУДАКОВ

КПСС аъзоси, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, техника фанлари доктори, профессор, ВАСХНИЛ академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги механизатори, «Средазсельхозмеханизация» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, «Механизация хлопководства» ойномасининг муҳаррири Григорий Михайлович Рудаков 1991 йил 21 январь куни 66 ёшида тўсатдан вафот этди.

Григорий Михайлович етук олим ва моҳир ташкилотчи эди. Тупроққа ишлов бериш ва экиш машиналари лабораториясининг раҳбари, тупроқ ишлов беришни механизациялаш, ер текислаш ва экиш бўлимининг раҳбари. 1966 йилдан шу кунгача «Средазсельхозмеханизация» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. 1972 йилдан 1975 йилгача ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг академик котиби этиб сайланган.

Г. М. Рудаков пахтачиликни механизациялашни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Хусусан, у чигитни квадрат уялаб ва аниқ экишнинг, икки марта ағдариб ер ҳайдаш ва бегона ўтларга қарши курашнинг назарий ва технология асосларини ишлаб чиққан. Булар эса илғор деҳқончилик технологияси усулларини бажариш учун бир қанча янги машина ва ускуналар яратишга асос бўлган. Г. М. Рудаков 230 тадан кўпроқ илмий иш ва 30 та ихтиро муаллифидир, у 54 нафардан зиёд фан номзоди ва докторлари тайёрлади. Шулардан 33 нафари маҳаллий миллат вакилларидир.

Григорий Михайлович «Механизация хлопководства» республика ойномасининг муҳаррири сифатида ойнома таҳририятининг ишини бутунлай қайта қурди. Механизатор олимлар фаолиятини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари ойнома мазмунининг асоси қилиб олинди.

Григорий Михайлович Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси сифатида 2 та орден ва олтита медаль, шунингдек тинч даврда кўпдан-кўп мукофотлар билан тақдирланган.

Григорий Михайлович зўр ҳурмат ва обрў қозонган фаол ва қатъиятли олим эди. Г. М. Рудаковнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

А. И. Икромов, И. Х. Жўрабеков, М. И. Исломов, А. И. Имомалиев, А. С.Цамутали, Р. Д. Матчонов, А. Х. Хожиев, А. М.Шалорьян.

● КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСА

КОНТЕЙНЕРДА... ҚУРОЛЛАР

Давлат хавфсизлиги қўмитаси Жиззах вилояти бошқармаси ҳамда темир йўл станцияси милиция ходимлари фавқулодда ҳодисанинг устидан чиқдилар. Арманистонга — Г. Шервонян номига юборилаётган контейнер ичида учта милтиқ билан бирга 3750 дона ўқ борлиги аниқланди.

Мутасадди маъмурий ташкилотларнинг зудлик билан иш олиб боришлари натижасида мазкур қуроллар вилоят ДОСААФ қўмитасига тегишли эканлиги маълум бўлди. У ерда тафтиш ўтказилганда жами 262 та тўппонча, мерганларнинг аниқ урувчи милтиқлари ҳамда юз мингдан зиёд ўқ-дори кам чиқди.

Ушбу камомаднинг бош айбдори ДОСААФнинг Жиззах вилояти қўмитаси отиш бўйича спорт клуби бошлиғи А. Костиркин эканлиги аниқланди. У ўтган йилнинг март ойидан бошлаб спорт клубига қарашли қуролларни ўғирлаш ва сотиш билан шуғулланиб келган экан. Унга бу ишда вилоят ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлимининг катта инспектори Н. Юсупов ҳомийлик қилган. Бу икки шахснинг тил бириктириши оқибатидаги тартибсизликлар шу даражага етганки, назорат қилишга мутасадди ташкилот таъсирини сезмаган А. Костиркин катта пул эвазига хоҳлаган қурол ва ўқ-дорини пуллайверган.

Шуниси таажжубланарлики, ғайриқонуний равишда қурол сотиб олган кишилар ўртасида бир қатор раҳбарлар, милиция ходимлари ҳам бор. Ҳатто ДОСААФнинг вилоят қўмитасидаги ходимларидан 9 киши қурол сотиб олишга жазм этган. Бу ишдан оғоҳ бўлиб қолган қоровулнинг «оғзини ёпиш» учун А. Костиркин унга ҳам қурол совға қилган.

Хўш, ўз раҳбарлари-ю, ички ишларнинг айрим ходимларини «сеҳрлаб» қўйган А. Костиркиннинг ўзи ким? 1987 йилда у Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган. Бўшатилганда ҳам партия аъзолик бадалларини ўзлаштириб юборганлиги, қўл остидаги ҳарбий хизматчилардан турли шаклларда пора олганлиги, Совет Армияси офицери шанига доғ туширгانлиги учун бўшатиб юборилган. Кўп ўтмай ДОСААФнинг вилоят қўмитаси раҳбари Ципруш уни ишга олди. Олди-ю, А. Костиркиннинг найрангларидан гўёки сеҳрланиб қолди.

ДОСААФнинг вилоят қўмитасидаги бу ҳол нима билан тугаркин? Албатта А. Костиркин ва Н. Юсуповнинг кўрсатмалари асосида сотилган қуролларнинг бир қисми қайтариб олинди. Айбдорларнинг қонун олдида жавоб беришлари турган гап.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИНИНГ МАХСУС КУЛЛИЁТИДА

Бозор иқтисодиёти шароитларида молия-кредит воситаларидан фойдаланиш масалалари бўйича корхоналарнинг раҳбарлари, иқтисодчилари, молиячилари ва бош ҳисобчилари учун

КУРСЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ ВА ЎРГАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ

— банкларнинг тижоратлаштирилувчи ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришдаги ўрни;

— қимматли қоғозлар ва фонд биржасини ташкил қилиш;

— техникани харид қилиш ва илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун корхоналарни молиявий жиҳатдан таъминлаш ва кредит ажратиш (лизинг)нинг муқобил тури;

— кредит бўйича ҳақ тўлаш қобилиятини аниқлаш орқали корхонанинг банк билан кредит муносабатларини янгича йўлга қўйиш.

Ўқиш муддати — 1 ҳафта.
Ўқиш учун 250 сўм ҳақ тўланади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй. Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи, 14-қават, 7-хона. Телефон: 45-49-59.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ТЮМЕНЬ ВИЛОЯТИДАГИ НЯГАНЬ ШАҲРИДА ИШЛАШ УЧУН

Тошкент шаҳар бош қурилиш идорасининг

«УЗБЕКТЮМЕНЬЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

бўёқчи, дурадгор, пайвандчи, монтажчи, барча тонфадаги ҳайдовчи, бульдозерчи, тракторчи, автомашиналар ва қурилиш техникасини таъмирлаш бўйича чилангар.

Меҳнат ҳақи ишбай-мукофотли ва вақтбай, 1,7 ноҳия коэффициенти ва бир кеча кундузга 4 сўм 50 тийиндан сафар харажатлари тўланади.

Маълумотлар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри — 100, Краснодон тор кўчаси, 6-уй, ёки Фрунзе ноҳия ижроия комитети, 64-хона. Телефон 55-39-11.

Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

лабораториялар ва бўлинмалар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

раҳбарлар: болалар юқумли касалликлари (тиббиёт фанлари номзоди);

катта илмий ходимлар: радиоиммунали ташхис (диагностикаси) билан биокимё, дори-дармонлар билан даволаш;

кичик илмий ходимлар: гастроэнтерология (3), кичик ёшдаги болалар неонатологияси ва нафас органлари паталогияси, болалар юқумли касалликлари (4), овқатланиш масалалари бўйича хўжалик шартномасидаги лаборатория (2), радиоиммунали ташхис билан биокимё, дори-дармонлар билан даволаш, иммунамикробиология (1), педиатрияда тиббий-ижтимоий ва ташкилий масалалар (3).

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 30 ЯНВАРГАЧА.

Ҳужжат институт директори номига қуйидаги манзилга юборилсин: 700179, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, Талант тор кўчаси, 3-уй.

●

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«МАТБУОТ» ТОШКЕНТ МАТБАА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

1991 ЙИЛ 1 ЯНВАРДА ТУГАТИЛДИ

«МАТБУОТ» ТОШКЕНТ МАТБАА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШ КОРХОНАСИ

Тошкент матбаа комбинати деб

ҚАЙТА НОМЛАНДИ

Барча эътирозлар эълон чоп этилганидан эътиборан бир ой давомида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тошкент матбаа комбинати.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 январь
соат 19.00 да
1, 2, 3 февраль
соат 16.00 ва 19.30 да

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ҲАЗИЛ—3»

ҲАЖВИЯ ВА ҚУШИҚ ҚЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ ва бошқалар.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68

●

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

24, 25, 26, 27 январь
соат 19.30 да

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланади

АЛИШЕР НАВОИЙ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ КУЙЛАЙДИ

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/I да **Тўмарис**, 24/I да **Флория Тоска**, 25/I да **Дон Кихот**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/I да **Сабъаи сайёр**, 24/I да **Куёв**, 25/I да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 23/I да **Гул ва Наврўз**, 24/I да **Куёвлар конкурси**, 25/I да **Нурхон**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

23 январь соат 19.00 да Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейига бағишланади

ҲАЙДАР МУҲАММАД пьесаси

АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНИ ОҲАНГЛАРИ АСОСИДА

ПРЕМЬЕРА

«САБЪАИ САЙЁР»

(икки қисмли афсона)

Саҳналаштирувчи режиссёр — МАРАТ АЗИМОВ.

Рассом — МАРАТ СОҲИБГАРАЕВ.

ССЖИ халқ артисти, ССЖИ давлат ва Ўзбекистон ССЖ давлат Ҳамза мукофотларининг совриндори З. МУҲАММАДЖОНОВ;

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти, ССЖИ мукофотининг совриндори Ё. АҲМЕДОВ;

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Т. ХОНТЎРАЕВ;

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артистлар: С. УМАРОВ, Ҳ. ЮНУСОВ, Р. АВАЗОВ, Б. ҚОСИМОВ, М. ИСМОИЛОВ, М. АБДУҚУНДУЗОВ;

артистлар: Р. КАРИМОВ, П. НОСИРОВ, Р. ЖУРАЕВ, Г. ИБРОҲИМБЕКОВА, М. МУХТОРОВ, Л. ҚУЛАБДУЛЛАЕВА; М. БОБОТУЛЛАЕВА, Ф. МАСУДОВ, Қ. АБДУРАҲИМОВ, Ҳ. КОМИЛОВ, Ж. ЗОКИРОВ, А. МАҲМУДОВ, Б. МУҲАМАДКАРИМОВ, Б. МУҲАММАДЖОНОВ, Ф. ЖАЛОЛОВ, Ғ. ҲОЖИЕВ, С. АБДУҚУНДУЗОВлар қатнашадилар.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш Ўрта Осиё илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва жамоат ташкилотлари Бош директорнинг илмий ишлар бўйича муовини, ВАСХНИЛ академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, профессор

Григорий Михайлович РУДАКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ -одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4720.

№ 16. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12